

Ўзбекистонда
яшаётган миллион-
миллион ёшлар —
менинг болаларим,
менинг
фарзандларим!

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 25-dekabr, shanba № 102 (8335) ISSN 2010-6416

ИЛИҚ ТУЙҒУЛАР УЛАШИБ «Президент совғаси» ўз эгаларига юборилмоқда



Янги йил байрамнинг болалар учун энг эсда қоларли, орзиқиб кутиладиган тухфаси — бу Қорбо-бо совғаси. Унинг севинчлари бутун йил давомида юзу-кўзлардан аримайди, қалбларга бир умрга муҳрланади. Шу боис, ҳар йили мамлакатимизнинг турли ҳудудларида «Президент арчаси» байрам тадбирларини ташкил этиш ва уларда болажонларга «Президент совғаси»нинг улашилиши эзгу анъаналаримиздан бирига айланиб бормоқда.

Жорий йил ҳам ушбу шодиёнани кўтаринки руҳда ташкиллаштириш мақсадида Халқ таълими вазирлиги ва "Sen yolg'iz etmassan" Республика бола-

лар жамоатчилик жамғармасининг қўшма буйруғи ва чора-тадбирлар режаси қабул қилиниб, савоб ишларга қўл урилди. Жумладан, Маданият ва спорт иш-

лари вазирлиги билан ҳамкорликда «Президент арчаси» тадбирининг сценарий-си ишлаб чиқилиб, уни ўтказиш бўйича тайёргарлик жараёни бошлаб юборилди.

Яқинда дид билан ўралган ва барча санитария-гигиена талабларига жавоб берувчи «Президент совғаси» (12 номдаги ўқув қуроллари ва 18 турдаги ширинликлар) ўз эгаларига жўнатилди. Совғаларни ўз манзилига вақтида етказиш мақсадида «Ўзбекистон ҳаво

йўллари» миллий авиакомпанияси самолётлари ҳамда «Шоҳрух» МЧЖ автотранспорт воситалари хизматларидан фойдаланилмоқда. Айтиш керакки, «Президент совғаси» тендер савдоларида ғолиб деб топилган фирмалар томонидан тайёрланган бўлиб, улар сифатли ва бежирим.

Барча таълим-тарбия масканларида «Президент арчаси» байрам тадбирлари ҳамда қишки таътил кунларини мароқли ўтказиш, йўл ҳаракати, жамоат ва ёнғин

хавфсизлигини таъминлаш, малакали тиббий хизматни ташкил этиш юзасидан Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Буларнинг барчаси Янги йил шодиёналарининг сермазмун ва илиқ туйғуларга бой бўлишига қаратилгандир.

Дилшод КАРИМОВ,
"Ma'rifat" мухбири
Б.РИЗОКУЛОВ олган суратлар.

ГАЗЕТАНИ
ВАРАҚЛАГАҲА!

**ЎҚУВ-
ЛАБОРАТОРИЯ
ЖИҲОЗЛАРИ:**

уларнинг ҳисоби
қандай олиб
борилади?

3-бет

**TARIXI VA
KELAJAGI
BUYUK YURT**

"Tarix va huquq fanlari
oyligi"ni o'tkazish
yuzasidan metodik
tavsiya

6-бет

**БОЛА
КЎНГЛИ
ГУЛДЕК
НОЗИК**

7-бет

**SHABADA
QANDAY HOSIL
BO'LADI?**

8-бет

ЁШЛИК, БАРКАМОЛЛИК, МАЪНАВИЯТ БАЙРАМИ

“Келажак овози – 2010” республика кўрик-танлови якунланди

Ёшлар ижод саройида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган “Келажак овози – 2010” кўрик-танловининг якуний босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида ёш авлодни юксак маънавиятли ва салоҳиятли, мустақил фикрга эга, ҳар жиҳатдан соғлом инсонлар этиб тарбиялаш, улар истеъдодини ўз вақтида аниқлаш ва қўллаб-қувватлашнинг пухта тизими яратилган. Юртимизнинг барча ҳудудларида барпо этилаётган жаҳон андозалари даражасидаги таълим муассасалари, ижодиёт ва спорт-соғломлаштириш марказлари фарзандларимизнинг миллий ва жаҳон илм-фан, маданият, санъат намуналаридан баҳраманд бўлиши, ўз қизиқишига кўра касб танлаши, ижодий-интеллектуал салоҳиятини янада кенгроқ намойиш этишида муҳим омил бўлаётди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ўтказилаётган турли ижтимоий лойиҳалар, грант дастурлари, ижодий фестиваллар, кўرғазмалар, санъат ҳафталиклари, концертлар, спорт тадбирлари фаол ва изланувчан ёшларнинг эзгу орзу-интилишларига қанот бағишламоқда. Бу борадаги ишлар кўлами Баркамол авлод йилида янада кенгайди.

Президентимиз Ислон Каримовнинг “Юксак маънавият — энгилмас куч” асарида фарзандларимизни юксак маънавиятли ва салоҳиятли инсонлар этиб тарбиялашда, улар қалбига эзгулик, инсонийлик, меҳр-оқибат туйғуларини сингдиришда ўйинчоқлар, эртак ва мультфильмлар муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан,

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Келажак овози» кўрик-танлови йигит-қизларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини рўйбга чиқариш учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш, инновацион технологиялар, санъат, адабиёт, меъморчилик ва дизайн соҳасидаги илғор лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва амалиётга жорий этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўн беш ёшдан йигирма беш ёшгача бўлган йигит-қизлар иштирок этган танловда 2009 йилда олти миш уч минг нафардан зиёд йигит-қиз ўз салоҳиятини синаб кўрган бўлса, 2010 йилда улар сони етмиш бир мингдан ортди. Бу танловга бўлган қизиқиш йил сайин кучайиб бораётганидан далолатдир.

Мазкур ижодий-интеллектуал беллашувда ғолиб чиққан ёшлар илм-фан, маданият ва санъатга оид турли кўрғазмалар, фестиваллар, нуфузли анжуманларда муваффақиятли иштирок этмоқда. Уларнинг илғор ғоя ва ташаббуслари ахборот технологиялари, фаннинг турли йўналишлари, меъморчилик, дизайн каби соҳаларда кенг татбиқ этилаётди. Ўз иқтидорини муваффақиятли намойиш этган ёшлар бугун юртимиздаги етакчи компаниялар ва ташкилотлар, илмий-тадқиқот марказларида самарали фаолият кўрсатаётди. Бу йилги танловда қатнашчилар ўз

билим ва иқтидорини архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар, миллий ва амалий санъат, бадиий ижод ва публицистика каби ўн беш йўналиш бўйича намойиш этди. Кўрик-танлов доирасида ташкил этилган илмий-амалий анжуманлар, семинарларда ёшларнинг инновацион лойиҳалари ва илмий ишланмалари атрофлича муҳокама этилди.

Таниқли олимлар, мусаввирлар, санъат ва маданият намояндлари, журналистлар иштирокида ўтказилган маҳорат сабоқлари, медиа-мактаб машғулотида ёшларнинг муайян соҳалардаги фаолияти атрофлича таҳлил этилди, уларга зарур маслаҳатлар берилди. Турли концертлар, викториналар, бадиий кўрғазмалар, интеллектуал беллашувлар мазкур танловнинг ёшларга хос баркамоллик, заковат ва маънавият байрамига айланишида алоҳида аҳамият касб этди. Ёшлар пойтахтимиздаги майдонлар, музейлар, тасвирий санъат галереялари, кўрғазма заллари, тарихий ёдгорликларда бўлиб, истиқлол йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишдилар.

— Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини олиб боришга оид дастурий таъминот бўйича лойиҳам танловда юксак баҳо олганидан жуда хурсанд-

ман, — дейди Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиали талабаси Муҳаббат Раҳмонова. — Танлов ўз илмий-ижодий фаолиятимизни яна бир карра чуқур таҳлил этиш, малакали мутахассислар кўригидан ўтказиш, устозлар маслаҳатидан баҳраманд бўлиш, тенгдошларимиз ижоди билан яқиндан танишиш, янгидан-янги дўстлар орттириш имконини берди. Буларнинг барчаси юртимизда биз, ёшлар камолотига кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг амалий натижасидир.

Кўрик-танловнинг рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар йўналиши ғолиби — Лазиз Ақобиров Бухоро озиқ-овқат ва энгил sanoat технологияси институтида таълим олади. У тақдим этган акустик ишлов бериш йўли билан меваларни қуритиш мосламаси иқтисодий тежамкорлиги, экологик жиҳатдан безарарлиги, қўллаш учун қулайлиги билан олим ва мутахассислар эътиборини жалб этди.

«Келажак овози — 2010» кўрик-танловининг мамлакат босқичи ғолибларининг илмий ишланмалари ва лойиҳаларининг тақдимоти бўлиб ўтди.

«Келажак овози — 2010» кўрик-танловининг якуний босқичи ғолибларини тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

Назokat УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

2010-yil — Barkamol avlod yili

соғлом ҳаёт тарзига ундайдиган таъсирчан воситалардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Халқ таълими вазирлиги қошида ташкил этилган Бадиий-техник кенгаш болалар учун гигиеник, педагогик ва эстетик талабларга жавоб берадиган ўйинчоқлар ишлаб чиқариш борасида муайян ишларни амалга оширмоқда. Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш республи-

тарбия олиши учун барча шарт-шароитни яратиш Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг муҳим йўналишларидан эканини алоҳида таъкидлади. Миллий руҳдаги замонавий ўйинчоқлар ва мультфильмлар яратишни, хориждан кириб келаятган бундай воситаларнинг маънавий ва тарбиявий жиҳатларини чуқур ўрганиш ва тартибга солишни даврнинг ўзи тақозо этаётди.

МИЛЛИЙ ЎЙИНЧОҚЛАР — КУЧЛИ ТАРБИЯ ВОСИТАСИ

таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш республика ўқув-методика маркази ҳамкорлигида пойтахтимизда ўтказилган илмий-амалий анжуманда шулар ҳақида сўз борди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, педагоглар, мактабгача тарбия муассасалари ходимлари иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси Э.Юсупов, Ўзбекистон халқ таълими вазири ўринбосари А.Холбеков ва бошқалар ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида тарбиялаш, улар маънавиятини эзгу ғоялар асосида шакллантириш, пухта таълим-

Глобаллашув шароитида хорижда ишлаб чиқарилган ва мамлакатимизга ҳам кириб келаятган айрим ўйинчоқлар ва мультфильмлар ёвузлик, беҳаёлик, жангарилик каби иллатларни “оммавий маданият” ниқоби остида тарғиб этаётгани ва улар фарзандларимиз тарбиясига жиддий таҳдид солаётгани сир эмас. Бунинг олдини олишда мамлакатимизда миллий ўйинчоқлар ишлаб чиқариш, мультфильмлар яратиш, уларда болаларнинг қизиқиши ва дунёқарашини, миллий қадриятларимизни акс эттириш, замонавий технологиялардан кенг фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда халқ хунардчиллиги, амалий ва тасвирий санъат имкониятларидан, мард ва жасур халқ қаҳрамонлари образидан, болаларни эзгуликка, теран фикрлашга ва

ка ўқув-методика маркази томонидан эса боғча тарбияланувчилари учун зарур ўйинчоқларнинг номлари ва уларга қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилди. Бу борадаги ишлар изчил давом эттириляётди.

“Баркамол авлод йили” Давлат дастури доирасида ташкил этилган анжуманда болалар учун мўлжалланган мультфильм ва ўйинчоқларнинг маънавий мезонлари, фарзандлар руҳияти ва тарбиясига таъсири, миллий қадриятларимизга мос бўлишининг ижтимоий-сиёсий аҳамияти каби мавзуларда маърузалар тингланди. Пойтахтимиздаги мактабгача таълим муассасалари ходимлари томонидан тайёрланган миллий ўйинчоқлар кўрғазмаси намойиш этилди.

Гўзал САТТОВА,
ЎЗА мухбири

ҚАЛБЛАРДА БУНЁДКОРЛИК ҲИССИ

Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги 45-умумтаълим мактаби туман, вилоят миқёсида ўз ўрнига эга таълим муассасаларида ҳисобланади. Яқинда мактабда “Авлодлар учрашуви” деб номланган байрамона тадбир ташкил этилди. Унда вилоят халқ таълими бошқармаси, фан ва таълим ходимлари касабга уюшмалари вилоят кенгаши, туман ҳокимлиги, туман ва вилоят маърифатпарварлар жамияти вакиллари, нафақадаги фахрий устозлар ҳамда собиқ битирувчиларнинг турли авлод вакиллари иштирок этди.

Эътиборли жиҳати шундаки, собиқ битирувчилар томонидан амалга оширилган хайрли ишлар натижасида мактаб биносининг олд кўриниши замонавий қиёфа касб этди. Спорт зали, фаоллар зали, фан хоналари ва йўлакларнинг таъмирдан чиқарилиб, кўрғазмалар жиҳозлар билан безатилишида ҳам собиқ ўқувчи-ҳомийларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Тадбирда сўз олган меҳмонлар, собиқ ўқувчилар ўзлари таълим олган ушбу муқаддас даргоҳдан, қадрли устозларидан бир умр миннатдор эканликла-

рини изҳор қилишди. Улар миннатдорлик рамзи сифатида мактаб жамоасига компьютер жиҳозлари ва бошқа шу каби ўзларининг эсдалик совғаларини топширдилар.

— Мактабимизнинг собиқ ўқувчилари халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият юритиб, давлатимиз равнақига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда, — дейди мактаб директори Мағдижон Ғафоров. — Айниқса, уларнинг ҳомийликлари туфайли мактабимизнинг ташқи ва ички қиёфаси замон талабларига мос равишда таъмирлангани ҳам мамлакатимизда таълимга, ёшлар камалига қаратилаётган эътибор кенг қулоқ ёзиб, ҳар бир юртдошимиз қалбига ҳам фарзандларимиз истиқболига, таълим-тарбиясига эътибор ва ғамхўрлик туйғуларини уйғотаётганлигидан дарак беради.

Шундан сўнг ҳомийларга ва қадрли меҳмонларга мактаб жамоасининг фахрий ёрликлари ва эсдалик совғалари топширилди. Энг асосийси, ўқитувчи ва ўқувчилар замон руҳига мос илм масканига эга бўлишгандан қалблари қувончга тўлди.

Ғолиб БАҲРОМОВ



Ўқувчининг табиий фанларни ўзлаштиришида лаборатория ўқув жиҳозларининг аҳамияти катта. Zero, назарий билим амалий тажрибалар билан мустаҳкамлансагина, ўқувчининг фанга қизиқиши ортиб, кичик тадқиқотлари келажакда оламшумул кашфиётларга асос бўлиши, шубҳасиз. Шу нуқтаи назардан, бугун юртимиздаги барча таълим муассасалари — умумий ўрта таълим мактабларидан тортиб академик лицей, касб-хунар коллежи, олий ўқув юртларидан тортиб, илмий марказларгача замонавий компьютер ҳамда лаборатория жиҳозлари билан таъминлангани эътиборга молик. Бу борада яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармани ташкил этиш тўғрисида»ги қабул қилинган Қарори янада муҳим воқеа бўлди. Мазкур Қарор таълим муассасаларининг мавжуд моддий-техник базасидан самарали фойдаланиш ва уларни муттасил янгилаб боришни таъминлаш, тизимли асосда энг замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва асбоб-анжомлар билан қайта жиҳоз-

лаш учун ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш механизмини яратиш ва уни янада такомиллаштиришга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Таъкидлаш лозимки, «2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури» асосида янгидан бунёд этилган ва реконструкция ишлари олиб борилган мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга хизмат қилиб келган Молия вазирлиги хузуридаги «Бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси» ушбу Қарор асосида тугатилиб, ўз кўлами ва аҳамияти жиҳатдан янада катта қамровни ўз ичига олган Молия вазирлиги хузуридаги «Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғарма» ташкил этилди. Энди ушбу Жамғарма нафақат умумтаълим мактаблари, балки академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг ҳам моддий-техник таъминоти, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси билан таъминланиши ҳамда ўқув биноларини қуриш, реконструкция қилиш каби ишларда молиявий манба бўлиб хизмат қилади.

Qaror va ijro



ЎҚУВ-ЛАБОРАТОРИЯ ЖИҲОЗЛАРИ:

УЛАРНИНГ ҲИСОБИ ҚАНДАЙ ОЛИБ БОРИЛАДИ?

Маълумки, биз фойдаланадиган ҳар бир буюм вақт ўтиши билан эскириб, таъмирталаб бўлиб боради. Уларни таъмирлатамиз, айримларидан эса воз кечиб, янгисига алмаштирамиз. Бу кайфиятимизга ҳам, иш самарадорлигига ҳам таъсир кўрсатади. 2004—2009 йилларда республикамиздаги ҳар бир таълим маскани янги жиҳозлар ва асбоб-ускуна анжомлари билан таъминланиб, ўқув бинолари замонавий кўриниш олди. Бугун ушбу таълим масканларида таълим-тарбия олаётган ёшлар яратилган шароит ва имкониятдан самарали фойдаланмоқда. Бироқ шуни эсда тутиш муҳимки, лаборатория ишлари, амалий машғулотларни бажаришда, кўргазмали тажрибалар ўтказишда, шубҳасиз, материаллар, кимёвий реактивлар сарфланади, идишлар сиёнади, бутловчи жиҳозлар эскиради ва яроқсиз ҳолга келади. Аммо ўқувчилар билим самарадорлиги ошишида беқиёс аҳамиятга эга лаборатория жиҳозларидан, албатта, доимий фойдаланиши зарур. Шу ўринда ўқув муассасалари раҳбарлари ўқув-лаборатория жиҳозларининг ўқитувчилар томонидан тўлақонли ишлатилишига, ҳисоб-киتاب олиб борилишига, сарфланган материалларнинг ўз вақтида ҳисобдан чиқарилиши ва янгиланишига эътибор қаратиши зарур. Zero, бу ўқув жараёнининг тўлақонли бўлишини таъминловчи жиҳатдир.

Лаборатория материаллари ва реактивларнинг мунтазам ишлатиб борилиши, ўқитувчиларнинг бир вақтда барча ўқувчиларнинг лаборатория ишларини мустақил бажаришига имкон яратиш, ўқув жараёнига индивидуал ёндашишни таъминлашга интилишлари, лаборатория идишлари (пробирка, колба, шиша таёқча ва бошқалар)нинг вақт ўтиши билан табиий яроқсиз ҳолга келишини инobatта олган ҳолда ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланган барча умумий ўрта таълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар кимёвий реактивлар, идишлар ва сарф

бўладиган материаллар билан яна қайтадан таъминланиб борилади.

Ўқув жараёнида лаборатория жиҳозларидан самарали фойдаланиш бўйича топшириқларни бажаришда ўқитувчилар етакчи ўринда туради. Шу боис таълим муассасалари ўқитувчилари ўқув йилининг ҳар чорагида бир марта ишлатилган кимёвий реактивлар, сарф бўлган материаллар бўйича ҳисобдан чиқариш далолатномасини тайёрлашлари керак (1-жадвалга қаранг).

Масалан, далолатнома кимё фанидан кўргазмали тажрибалар, лаборатория ва амалий ишларни бажаришда сарфланадиган кимёвий реактивлар ва ишлатиш жараёнида ишдан чиққан буюмларни ҳисобдан чиқариш ҳақида тузилса, жадвалда уларнинг номи, ўлчов бирлиги, сони кўрсатилиши лозим. Шу ўринда энг биринчи навбатда нималарни ҳисобдан чиқариш ва янгилаш керак, деган савол туғилади.

Кимё хонасида универсал индикатор қоғози (ўрам), куруқ ёқилги — уротропин (ўрамда 100 гр.), шишага ёзиш учун қалам (ўрамда 5 дона), ўзи елимланувчи ёрлиқлар тўплами (300 дона), кимёвий реактивлар жамланмаси, металллар активлигини намойиш этиш асбоби: кимёвий реактивлар тўплами, ионлар кўчишини намойиш қилувчи асбоб: кимёвий реактивлар (гр.), ион алмашилишини намойиш этишга оид қурилма: катионит ва анионит (тўплам), **биология хонасида** лаборатория ва амалий ишлар учун уруғлар тўплами, биология фанидан лаборатория ишлари ўтказиш учун кимёвий реактивлар жамланмаси, препарат тайёрлаш учун тўплам: формалин (кг.), **физика хонасида** куруқ ёқилги — уротропин (ўрамда 100 гр.), кимёвий реактивлар жамланмаси, суюқликларда конвексияни ўрганиш асбоби: бўёқ модда (гр.), **ёшларнинг чақиривга қадар бошланғич тайёргарлиги хонасида** (академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун) компресс учун пахта (100 гр.), стерилланмаган пахта (50 гр.), компресс учун

рўмолча, тиббий боғлаш рўмолчаси, дока бинт 10x5 см., стерилланган катта ва кичик боғичлар, полиэтилен плёнка, санитар сумкаси бўлиши лозим.

Ўқув жараёнида сарф бўлувчи кимёвий реактивлар ва материаллар қуйида кўрсатилган тартибда (2-жадвалга қаранг) ҳисобдан чиқарилади ҳамда янги материаллар ва кимёвий реактивлар сотиб олиш учун талабнома тўлдирилади.

Шиша ва чинни идишлар. Буларга идишлар, буюмлар тўплами, асбоб ва ускуналарнинг шиша қисмлари, асбоблар жамланмасига кирувчи шиша асбоб ва бошқалар кирди. Яроқлилик муддати ва ҳисобдан чиқариш меъёрлари ўқув жараёнида ишлатилиши сонидан келиб чиқиб белгиланади. Шиша ва чинни идишлар учун яроқлилик муддати белгиланмайди.

Буюм ва бутловчи қисмлар. Буларга резина ва поливинилхлорид найлар, резина тиқинлар, ёндириш қошиқчалари, шпател, қисқич ва шунга ўхшаш буюмлар кирди. Улар ишлатилиш жараёнида эскириши ва бузилиши туфайли белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилади ва янги буюмлар ва бутловчи қисмлар сотиб олиш учун талабнома расмийлаштирилади. Яроқлилик муддати ва ҳисобдан чиқариш меъёрлари ўқув жараёнида ишлатилиш сонидан келиб чиқиб белгиланади.

Ўқув-лаборатория жиҳозлари ва кўргазмали қўлланмалар. Улар сарф бўладиган ва тезда эскирадиган жиҳозлар саналади. Эскирганда, ишдан чиққанда, агар уларни таъмирлаб бўлмаса, белгиланган тартибда ҳисобдан чиқариш ва янгилаш мақсадга мувофиқ.

Ўқув-лаборатория жиҳозлари белгиланган тартиб ва муддатда кафолатли таъмирланади ва кафолат муддати тугагандан сўнг яна таъмирлаш амалга оширилади. Мазкур жиҳозни таъмирлаш учун таълим муассасаси тегишли тартибда уни туман (шаҳар) халқ таълими бўлимига бериши керак, улар эса тегишли тар-

тибда вилоят ХТБга топширадилар. ВХТБлар ўрнатилган тартибда ўқув жиҳозларини таъмирлаш бўйича ишлаб чиқарувчи корхоналарга буюртманома беради.

Шунингдек, фан ўқитувчиси ва лаборант ҳар куни ишлатиш ва сарфлаш бўйича ҳисоб-киتاب журнали юритиб боради.

1-жадвал

Лаборатория хонасидаги кимёвий моддаларнинг ишлатилиши бўйича далолатнома

T/p	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Қайд рақами (инвен. рақами)	Амалий машғулот соати	Амалий машғулот сарфи	Жами сарфи
1						

Топширди: Фан хонасидаги жиҳозларга масъул

Имзо _____

Ф.И.Ш. _____

Топширди: Лаборатория хонасидаги жиҳозларга масъул

Имзо _____

Ф.И.Ш. _____

Қабул қилди: Мактаб директорининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари

Имзо _____

Ф.И.Ш. _____

2-жадвал

«Тасдиқлайман»

Умумий ўрта таълим мактаби директори

201__ й «__» _____

Кимёвий реактивлар, сарф бўлувчи материаллар, идишлар, буюмлар ва бошқа ўқув-лаборатория жиҳозлари олиш учун

ТАЛАБНОМА

вилоят _____

шаҳар _____

туман _____

Ўқув муассасасининг (№) _____

Хона номи _____

T/P	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Зарурий миқдор
1	Ўқитувчи кўрсатилган тажрибалар учун буюмлар тўплами	Тўплам	1
2	*****		

Директорнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари

Имзо _____

Ф.И.Ш. _____

Фан хонасига масъул

Имзо _____

Ф.И.Ш. _____

Машғулотлар ўтишда керак бўладиган янги ўқув-лаборатория жиҳозларига талабномалар ҳам шу шаклда расмийлаштирилади. Бу эса, ўз навбатида, муассасанинг таълим жараёни учун зарурий барча ўқув воситалари билан таъминланишига имкон беради.

С.УЗОҚОВ,

ХТВ бош назоратчиси,

М.ЮЛАЕВ,

«ЭЛХОЛДИНГ» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси

директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари,

Б.ҲАҚБЕРДИЕВ,

услубият бўлими бошлиғи

ЖАЛАКУДУҚ ТУМАНИДАГИ «ЎҚУВЧИЛАР ИЖОДИЁТИ УЙИ» ЯНГИ БИНОГА КЎЧИБ ЎТДИ. УНДА МАВЖУД ТЎГАРАК МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ МАЗМУНЛИ ЎТИШИ УЧУН БАРЧА ШАРТ-ШАРОИТ ВА ИМКОНИЯТЛАР МУҲАЙЁ.

— Илгари мослаштирилган бинода ишлаб келганмиз, — дейди марказ раҳбари Шохрух Пўлатов. — Давлат маблағига қурилган янги бино қишлоғимиз чиройини ҳам очиб юборди. Унга жавобан, жамоамиз баҳамжихат ишлашга ҳаракат қилмоқда.

Марказ тўғарақларида шуғулланаётган мингдан зиёд бола адабиёт, санъат, илм-фан ва спортдаги кўникмаларини мустаҳкамламоқда.

Хурматой Дехқонова ўтган йили тасвирий санъатнинг аппликация жанрида республика кўрик-танлови голиби бўлган бўлса, Бехзодбек Фозилов бу йил «Ёш мақомчилар» кўрик-танловининг республика босқичида фольклор йўналишида фахрли иккинчи ўринни эгаллади ва Андижон санъат коллежига имтиёзли қабул қилинди.

О.СИДДИҚОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИДА ЁШ ОЛИМЛАР КЕНГАШИНИНГ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Кенгаш раиси Сайдилло Фуломов йил давомида олиб борилган ишлар, ютуқ ва камчиликлар ҳақида батафсил тўхтади. Таъкидлаш жоизки, қисқа фурсат давомида Кенгаш ва унинг илмий тадқиқот институтларидаги бўлимлари томонидан салмоқли ишлар амалга оширилди. Фаннинг турли тармоқларида илмий изланишлар олиб бораётган ёшларни қўллаб-қувватлаш, Кенгашнинг бошқарув ва ташкилий, маънавий-маърифий, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, хорижий алоқалар каби йўналишларида эътиборли ишлар қилинди. Шунингдек, «Устоз — шогирд» тизимини ривожлантириш, фундаментал, амалий, инновация давлат дастурлари доирасида бажарилаётган ҳамда Академиянинг фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш фонди ва бошқа лойиҳаларда ёшлар иштирокини кенгайтириш доимий эътиборда бўлди. Бир неча нафар тадқиқотчилар хориждаги халқаро анжуманларда иштирок этиб қайтдилар.

Ёш олимлар фаолияти мунтазам тарзда республика оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар ёшларнинг илм-фандаги ролини янада ошириш, янги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»да ёш олимларнинг турли лойиҳаларини қўллаб-қувватлашда хусусий тадбиркорлар билан ҳамкорлиги масалаларига алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Тадбирда Кенгашнинг «Ёш олимлар академияси» журнали тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Б.ФАЗЛИДИНОВ,
ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти аспиранти

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ КАТТА МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ И.МЎМИНОВ НОМИДАГИ ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ ВА АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ФАЛСАФА КАФЕДРАСИ ҲАМКОРЛИГИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН АРБОБИ, БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ, ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР ОМОНУЛЛА ФАЙЗУЛЛАЕВ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЎҚИШЛАРИ ТАРКИБИДА «ФАН ВА ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БАРКАМОЛ АВЛОДНИНГ ЎРНИ» МАВЗУИДА РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Анжуманнинг ялпи йиғилишида баркамол авлод — Ватан таянчи, илм олиш ва изланиш ҳар бир инсоннинг фаолият мезонига айланиши даркорлиги тўғрисида атрофлича фикр юритилди.

«Баркамол авлод концепциясининг ижтимоий-фалсафий, илмий-амалий таҳлили», «Баркамол авлод ва ёшлар илмий-ижодий фаолияти», «Баркамол авлод ва маънавий-иқтисодий раванг» мавзуларида фаолият юритган учта шўбада олим ва тадқиқотчилар ўз мақолалари билан қатнашиб, ўзига хос таклифларни ўртага ташлашди.

Маҳмуджон ҒОЗИЕВ,
АДУ Миллий истиқлол ғояси: ҳуқуқ ва маънавият асослари кафедраси катта ўқитувчиси

ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИДАГИ 254-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИДА «БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН» НОМЛИ ТАДБИР ЎТҚАЗИЛДИ. УНДА ИШТИРОК ЭТГАН ЎҚУВЧИ-ЁШЛАР «МИЛЛИЙ ҒОЯ» ТУРКУМИГА КИРУВЧИ ФАНЛАРГА ДОИР ЎЗ БИЛИМ ВА МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТДИ.

Шўх куй-қўшиқлари ва турли мавзулардаги шеърлари, саҳна кўринишлари билан фаол иштирок этган юқори ва бошланғич синф ўқувчиларининг чиқишлари тадбирга кўтаринки руҳ ва тантанавийлик бахш этди. Ушбу байрамга атаб ўқувчилар ўз кўллари билан кўرғазмали қуроллар тайёрлаган ва мавзу доирасида турли расмлар чизганлар.

Болалар шоири Анвар Обиджон ижодиётдан кенг фойдаланган ўқувчилар шоирнинг ижодий фаолияти ҳақида маълумотлар тўплаб, кўрғазма ҳам ташкил этишди.

Тадбирда қатнашган «Гулхан» журнали бош муҳаррири Ашурали Жўраев ўқувчилар тайёрлаган кўрғазмали қуроллар ва расмларга юқори баҳо берди. Фаол ўқувчиларга ижодкорлар томонидан эсдалик совғалари тақдим этилди.

Шохрух УБАЙДУЛЛАЕВ



ЮНУСОБОД ТУМАНИ ДЕФЕКТОЛОГЛАРИ УЧУН ТУМАНДАГИ 442-СОНЛИ МАХСУС МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН КОНФЕРЕНЦИЯДА АСОСИЙ ЭЪТИБОР ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАР БИЛАН ИШЛАШ, ХУСУСАН, МАКТАБ ТАЪЛИМИГА ТАЙЁРЛАШДА НИМАЛАРГА АҲАМИЯТ БЕРИШ КЕРАКЛИГИГА ҚАРАТИЛДИ.

«Мактабгача ёшдаги қар болаларни мактаб таълимига тайёрлашга замонавий ёндашув» мавзусидаги мазкур конференцияда Низомий номидаги ТДПУ дефектология факультетининг коррекцион педагогика кафедраси профессор-ўқитувчилари — Ш.Амирсайдова, З.Мамаражабова, Х.Пўлатова, Юнусобод тумани ХТБ мактабгача таълим муассасалари инспектори Сайёра Раҳимова, мутахассис ва ота-оналар иштирок этишди.

— Муассасамизда коррекцион педагогика кафедрасининг филиали ташкил этилган. Университетнинг назарий-олимлири билан ҳамкорликда иш олиб бориш амалиётчи мутахассисларга катта ёрдам беради. Чунки қар ёки заиф эшитувчи, нутқида нуқсонли бўлган болалар билан ишлаш, улардаги нуқсонларни коррекциялаш жуда мураккаб жараён. Бунда, албатта, назариячиларнинг ёрдами ва маслаҳатларига таянамиз, — дейди МТМ услубчиси Дилрабо Султнова.

Муассасага ташриф буюрганлар сурдопедагог А.Мимбоевнинг «Эшитиш қобилиятини ривожлантириш ва талаффуз малакаларини шакллантириш», В.Хусановнинг мусиқа раҳбари И.Лебедева билан ҳамкорликда ўтган машғулотларини кузатишди. Айниқса, тарбиячи У.Манноповнинг 3-гуруҳда ўтган «Мевалар» мавзусидаги муҳасам машғулоти барчага маъқул бўлди. Конференция сўнгида МТМ дефектологларининг махсус таълим муассасаларида имконияти чекланган болаларни тарбиялашда учрайдиган муаммолар юзасидан берган саволларига университет профессор-ўқитувчилари жавоб беришди.

Башорат ОТАЖОНОВА,
«Ma'rifat» муҳбири

ЎЗМУ АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ УНИВЕРСИТЕТНИНГ ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ ҲАМКОРЛИГИДА «ДЕМОКРАТИК ЖАРАЁНЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ: БУГУНГИ ҲОЛАТ ВА ИСТИҚБОЛЛАР» МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ.

Тадбир давомида сиёсий партиялар ва ОАВ ҳамкорлигининг муҳим аҳамияти, жамоатчилик билан алоқаларни ривожлантириш бўйича матбуот хизматларининг фаолиятини ташкил этиш, партия матбуотида партия ҳаётига доир масалаларнинг ёритилишида талаба-журналистларнинг ҳиссасини ошириш борасидаги масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Шундан сўнг талабалар келажакдаги иш фаолиятларига боғлиқ ҳамда ўзларини қизиқтираётган бошқа бир қанча саволларга жавоб олишди.

Анвар ҚОБИЛОВ

ЯНГИ ЙИЛ — АЖОЙИБ БАЙРАМ. УНИ БОЛАЖОНЛАР БЕҒБУРЛИК ВА САМИМИЙЛИК БИЛАН ИНТИҚИБ КУТИШАДИ. ШАҲРИМИЗ ХИЁБОНЛАРИ, КЎЧАЛАРИЮ МАЙДОНЧАЛАРИ, МАКТАБУ БОҒЧАЛАРИДА БАЙРАМ ДАРАКЧИСИ БЎЛМИШ БЕЗАТИЛГАН ЯНГИ ЙИЛ АРЧАСИ АТРОФИДА БОЛАЛАР АЛЛАҚАЧОН БАЙРАМНИ БОШЛАБ ЮБОРИШГАН. ҲАММА ЕРДА БАЙРАМ ШУКУҲИ.

Юнусобод туманидаги махсус санаторий типидagi 414-МТМда ҳам Янги йил байрам тадбири ўтказилди. Қорбобо ва Қорқиз, турли эртақ қаҳрамонлари, болажонлар ижросидаги кўшиқ ва рақслар, шеърлар кечага янада файз бағишлади.

Қорбобонинг совғалари болажонларни янада қувонтирди.

Сурайё ШАЙХОВА

МИЛЛИЙ ҒОЯ ТУРКУМИГА КИРУВЧИ ФАНЛАРНИНГ ЎҚИТИЛИШINI ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ДАРСЛАРГА ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ, ЎҚУВЧИЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ БИЛИМЛАРИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА МУСТАҲКАМЛАШДА ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ЎРНИ БЕКИЁС.

Шу боис, ойлик давомида Ҳамза туманидаги 145-умумтаълим мактабида ТШХТББ Методика маркази томонидан «Миллий ғоя ва маънавий ҳаёт» мавзусида ўқув-семинар уюштирилди. 120 нафарга яқин ўқитувчи қатнашган семинарнинг шўба ишларида бугунги кун ўқувчисини тарбиялашда миллий ғоя туркумига кирувчи фанларнинг аҳамияти, уни ўқитишда интерфаол усуллардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди. ТШПКҚТМОИ катта ўқитувчиси Набижон Нарзиев томонидан долзарб мавзудаги маърузаси йиғилганларга катта методик ёрдам бўлди.

Ойлик давомида ушбу фанлардан дарс берувчи устоз-ўқитувчилар томонидан шогирд-ўқитувчилар учун ҳам очик дарслар мунтазам ўтказиб борилди. Жумладан, Миробод туманидаги 328-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Раъно Турғунбоева, Мирзо Улуғбек туманидаги 221-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Татьяна Забарина, Сергели туманидаги 300-умумтаълим мактабининг ўқитувчиси Мархабо Каримова томонидан шогирд ўқитувчилар ҳамда ёш мутахассислар учун очик дарслар кўрсатилди.

Амалга оширилаётган барча ишларда фан ойлигини самарали ўтказиш, ўқитувчию ўқувчиларни янада фаолликка ундаш ва шу орқали ёш авлод қалбига ватанпарварлик, миллий гурур, азалий анъаналаримизга содиқлик туйғуларини сингдиришдек эзгу мақсад мужассамдир.

Дилшод КАРИМОВ,
«Ma'rifat» муҳбири

ГОЛИБЛИККА ЭРИШИШ ОСОН БЎЛМАДИ

2006 йилдан бери «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ўтказиб келинаётган педагогик грантлар дастурининг мақсади педагогик фаолиятни янада ривожлантириш учун ҳисса қўшиш, таълим бериш услуб ва усулларини мукамаллаштириш, шунингдек, ижодий изланишларни қўллаб-қувватлаган ҳолда педагогларни ойлик ва бир маротабалик грантлар бериш орқали моддий жиҳатдан рағбатлантиришидир. Унда таълими тизимининг барча бўғинлари ўқитувчилари, илмий тадқиқотчилар ва илмий жамоалар иштирок этишлари мумкин.

Ўтган йилги танловда қўллаб таълим муассасалари вакиллари қатори Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги 2-академик лицей директори Феруза Рашидова иккинчи йўналиш бўйича «Ўзбек урф-удумларини турли тилларда талқин қилиш» лойиҳаси билан қатнашиб, педагогик грантлар дастури голиби бўлганди.

ИШИМИЗ ЎНГИДАН КЕЛДИ

Изланувчан муаллима даставвал юртимиздаги 74та музей ҳақида чет тилларида қўлланма тайёрлади. Ўқувчиларга бу лойиҳа асосида махсус курс ўтилди. Кейинги изланишида ўзбек урф-одатлари акс этган 12 та тўй маросимларининг баёни чет тилларида берилди. Ушбу ишланмани китобча ҳолида чоп этмоқчи ҳам бўлди-ю, аммо иккиланди. Сабаби бунинг учун 5 млн. сўм маблағ талаб қилинарди. «Агар шунча миқдордаги пулни топсам, лицей ўқувчилари учун компьютер олганим афзал» деган ўй билан лойиҳасини педагогик грантлар дастурига топширди.

Биласиз, юртимизда сўнгги йилларда ўзбек урф-одатларига қизиқишнинг янада ортиб боришида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг ҳиссаси катта бўлаяпти. Шу сабаб муаллима бу лойиҳасида ўзбек миллий урф-одатларини кенг тарғиб қилиш ва тушунтириш мақсадида ўзбек, рус, инглиз, француз, испан тилларида ўқув адабиёти ва интернет сайтини очиш так-

лифи билан чиқиб, голиби бўлди.

— Аслида бу лойиҳа устида анча йиллардан бери иш олиб бораётгандим. Мени бир нарса ўйлантиради. Чет тилини ўрганамиз, ўша давлатнинг маданияти, урф-одатларига қизиқамиз. Ўз юртимиз маданиятини эса чет тилида ифодалаб бера олмаймиз. Ушбу лойиҳага шу мақсадда қўл урган эдим. Буни лицей ўқув дастурига ҳам киритдик. Академик лицей чет тилларига ихтисослаштирилгани учун ўзбек урф-удумларини турли тилларда талқин қилиш, уни чет давлатдан келган меҳмонларга кўрсатиш, хорижий тилни билган инсонлар ўз юртларининг тақдиротини ўтказишлари учун асос бўлишига хизмат қилади.

Хоҳлаймизми-йўқми, ҳар бир чет тилини билган инсон ўз тили ва юртининг кичик бўлса-да, элчисига айланади. Чунки юрт кезиш, бошқа юртларни ўрганиш — ажойиб ҳаётий тажриба. Лекин ўз юртини билмаган, тушунмаган инсоннинг ўзга юртни кезиши мақсадга мувофиқ эмас, назаримда.

Айни пайтда Ф. Раши-

дова «Ватаним — Шарқ гавҳари», «Менинг лицейим — менинг фахрим», «Касбим — менинг фахрим», «Орзуимдаги олий ўқув юрти» лойиҳалари устида ҳам иш олиб бораёпти. Ушбу лойиҳалар лицей ўқувчиларини ижодкорлик, изланиш ва ўз келажаклари ҳақида бироз бўлса-да, фикр юритишга ундаши тайин.

БИР-БИРИДАН ЎРНАК ОЛИБ

Лицей ўқувчиларининг физика фанидан қониқарсиз баҳоланаётганига эътибор қаратган Феруза Рашидова айнан шу фан ўқитувчисининг дарсини кузатишга кирди. Маълум бўлдики, ўқитувчи ўқувчилар учун фақат «формула»лар тақдим этаркан. Хуллас, уни физика дарсидаги иш усуллари қониқтирмади ва фан ўқитувчисининг олдида физикавий формулаларни ҳаётга боғлаган ҳолда ўтиш таклифини ҳамда бу фанни ўқувчилар учун қизиқарли тарзда, ноанъанавий усулда ташкил этиш талабини қўйди. Натижада, фан ўқитувчиси Алия Файзиева «Академик лицейларда физикани қизиқарли ўтиш» ўқув қўлланмасининг муаллифига айланди. Бу эса 2011 йил учун «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ўтказилган педагогик грантлар дастурига ўз ишланмасини таклиф этиш ғоясини туғдирди.

— 2011 йил учун физика фани ўқитувчиси педагогик грантлар дастури лойиҳасида қатнашса, насиб қилса, келаси йилги танловга эса кимё ва тарих фани ўқитувчиларимиз тайёргарлик кўришмоқда, — дейди лицей раҳбари.



Izlanish va imkoniyat

БУНДАН ТАШҚАРИ...

От изини той босар, деганларидек, таълим муассасасида ўқувчилар сафи ҳам кенгайиб бораётир. Ф.Рашидова раҳбарлигида 2007 йилдан бошлаб ҳар йили Германия Федератив Республикасининг халқаро миқёсдаги «Schulmanagement weltweit. Zentralstelle fuer das Auslandschulwesen» дастури асосида иқтидорли ўқувчиларга DCD халқаро дипломлари топшириляпти ва икки нафар халқаро танлов голиби — энг иқтидорли ўқувчилар Германия давлатида бўлиб қайтишмоқда.

Математика фани тўғраги аъзоси Элбек Ҳайдаралиев халқаро конференция совриндори, инглиз тили тўғраги аъзоси Ҳаёт Алимов эса халқаро аэрокосмонавтика лагери иштирокчиси.

Феруза Рашидова 2008 йилдан Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари уюшмаси раҳбари сифатида ҳам фаолият юритаётир. У қисқа давр ичида ГФР давлатининг халқаро миқёсдаги PAD жамғармасининг «The German Pedagogical Exchange Service» (Педагоглар алмашинув давлат

дастури) гранти соҳибига айланди.

Унинг уч йиллик раҳбарлик фаолияти давомида республикада илк бор академик лицей ўқувчилари учун «Организатор» жорий этилди. Ушбу ўқув-тарбиявий мажмуа Тошкент шаҳридаги қатор академик лицейларда ҳам қўлланилаётир.

МАҚСАДИ...

Ўз лойиҳаларини республикамиздаги барча ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида амалда қўллаш, 15дан 19 ёшгача бўлган ёшларни ҳаётга, келажакда мустақил равишда ўз дунёқарашини ва аниқ мақсадга эга бўлган баркамол инсонлар, нафақат ўз тилини, балки чет тилларини ҳам мукамал биладиган кадрлар этиб тайёрлаш.

Келажак учун масъуллик, аввало ҳар бир кишининг ўз касбига бўлган сadoqatидан бошланса керак. Зеро, келажак авлод ҳам қай бир касбни танламасин, албатта, сизу биздан андоза олиши шубҳасиз.

Дилфуза ТОШКЕНБоеВА,
«Ma'rifat» мухбири

Бурҳон РИЗО олган сурат.



ТИЛ БИЛГАН ДУНЁ ТАНИЙДИ

Питнак шаҳридаги 10-мактаб ўқувчилари ҳам хорижий тилларни ўрганмоқдалар. Инглиз тилини ўргатиш мобайнида ўқувчиларнинг билим самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, мен инглиз тили фани ўқитувчиси сифатида машғулотларда асосан кўргазмаларни қўлдан, тарқатма материаллардан фойдаланаман. Булар мавзунинг ўқувчи хотирасида мустаҳкам сақланишини таъминлайди. Айниқса, 5-синф ўқувчилари чет тилини севиб ўрганиб келишмоқда. Яқинда инглиз тили фани

бўйича «ABC-Party» саводхонлик байрами ўтказилди. Тадбирда ўқувчилар ҳар битта ҳарфга доир шеърларни инглиз тилида ифодали ўқиб кўшиқлар куйлашди. Ўқувчилар томонидан «Қизил шапкача» эртаги чет тилида сахналаштирилиб ижро этилди. Юқори синф ўқувчилари ҳам инглиз адаблари ҳаёти, маданияти, уларнинг урф-одатлари ҳақида қизиқарли маълумотлар беришди.

Насиба ЯКУБОВА,
Ҳазорасп тумани Питнак шаҳридаги 10-мактаб ўқитувчиси

TARIXI VA KELAJAGI BUYUK YURT

Vatan tarixini bilish har bir o'g'il-qizning ma'naviy barkamoligidan dalolat bo'lsa, huquqiy bilimlar uning o'z burch va mas'uliyatini teran anglashiga xizmat qiladi. Shu nuqtai nazardan, Xalq ta'limi vazirligi buyrug'i asosida tashkil etiladigan yanvar — «Tarix va huquq fanlari oyligi»ni o'tkazishda mutaxassislar va pedagoglar zimmasiga mas'uliyat yuklanadi.

Fan oyligi namunaviy reja asosida tashkil etiladi. Bunda belgilangan seminar o'quvlar, fan yo'nalishi bo'yicha haftalik tadbirlarni o'tkazishga mas'uliyat bilan alohida yondashuv talab etiladi.

Mazkur oylikning dastlabki kunlari qishki ta'tilga to'g'ri kelishini hisobga olgan holda, uni mazmunli tashkil etish uchun mustaqillik yillarida barpo etilgan inshootlarga, tarix, o'lkashunoslik muzeylariga, tarixiy qadamlarga sayohatlar uyushtirish, huquqni muhofaza qiluvchi idora xodimlari, mahallalarning hurmatli insonlari (olimlar, akademiklar, mehnat faxriylari) bilan uchrashuvlar o'tkazish maqsadga muvofiqdir.

Maktabning tarix va huquq fanlari xonalarini talab darajasida jihozlash, ommaviy axborot vositalaridan, internetning WEB sahifalaridan foydalanish, tadbir senariylari, dars ishlanmalari, test va nazorat ishlari to'plamlarini tayyorlash fan oyligini samarali o'tkazishda katta yordam beradi.

Fan oyligi davomida Prezident Islom Karimovning «Yuksak ma'naviyat — yengilmas kuch» kitobini o'rganish yuzasidan 10 soatlik fakultativ kurslarni o'tkazish talab etiladi. Bunda ushbu kursni maxsus tayyorgarlikdan o'tgan malakali (Milliy istiqloq g'oyasi va ma'naviyat asoslari, tarix, huquq, ona tili va adabiyot fani) o'qituvchilarga yuklatish, ushbu kurslarni maxsus (ko'rgazma vositalari, kompyuter va boshqa texnika vositalari bilan) jihozlangan ma'naviyat xonalarida o'qitish, o'qituvchining kundalik dars rejasini va darsga tayyorgarlik darajasini muntazam nazorat qilish, o'tilayotgan darslarning maktab ma'muriyati, tuman xalq ta'limi bo'limi, viloyat xalq ta'limi boshqarmasi tomonidan doimiy kuzatilishiga alohida e'tibor qaratish lozim.

Fan oyligi davomida ijtimoiy (tarix, huquq, iqtisodiyot asoslari) fanlarni o'qitishda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimovning O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi va Senatining qo'shma majlisidagi «**Mamlakatimizda demokratik islohotlarni yanada chuqurlashtirish va**

«Tarix va huquq fanlari oyligi»ni o'tkazish yuzasidan metodik tavsiya

fuqarolik jamiyatini rivojlantirish konsepsiyasi» mavzusidagi ma'ruzasi bo'yicha tayyorlangan dasturdan foydalangan holda, ma'ruzada e'tirof etilgan bir qancha ma'lumotlar bilan o'quvchilarni tanishtirish, ularning huquqiy bilim va madaniyatini oshirish, davlatimiz tomonidan amalga oshirilayotgan islohotlarning inson omili va inson manfaatlariga, xalq farovonligini ta'minlashga xizmat qilayotganini amaliy misollar bilan tushuntirish maqsadga muvofiq.

Oylikni o'tkazishdan maqsad — milliy g'oyaning uzviy tarkibiy qismlarini tashkil qiladigan komil inson, ijtimoiy hamkorlik, millatlararo totuvlik, dinlararo bag'rikenglik tamoyillarining ma'no-mohiyati hamda mamlakatimizda olib borilayotgan ma'naviy-ma'rifiy, ta'lim-tarbiya ishlarining ahamiyatini keng ochib berishdir.

Tavsiya etiladigan tadbirlar:

5—7-sinfda — «Jonajon o'lkam tarixi», «Yosh huquqshunos», «Konstitutsiya olamiga sayohat» mavzularida tanlovlar, «Men mahallamni kelajakda qanday tasavvur qilaman?», «Rasmlarda Vatan tarixi» rasmlar va foto ko'rgazmalar tanlovi o'tkazish.

8—9 va 10—11-sinfda — «Tariximizda huquq ilmi», «Siz qonuni bilasizmi?», «Siz tarixni bilasizmi?», «Ajodlar merosi» ko'rik-tanlovlari, shuningdek, «Konstitutsiya va biz», «Inson huquqlari Umumjahon deklaratsiyasi», «Bola huquqlari to'g'risida»gi Konvensiya, «Jonajon qishlog'im tarixi», «Maktabim tarixi», «Mustaqil O'zbekiston — Seni tanidi jahon!» mavzularida devoriy gazetalar tanlovi, «Barkamol avlod — kelajagimiz poydevori», «Tarixiy xotirasiz kelajak yo'q», «Yuksak ma'naviyat — yengilmas kuch», «O'zlikni anglash tarixni bilishdan boshlanadi», «Tarix — xalq ma'naviyatining asosidir», «Biz buyuk allomalar yurti farzandlarimiz», «Ogohlik — davr talabi», «Jahon tarixida Amir Temurning o'rni» kabi mavzularda referatlar tayyorlashlari tavsiya etiladi.

Referatlar tayyorlashda ma'lum bir mavzu tanlanib metodbirlashmada tasdiqlanadi. O'quvchi tomonidan referatni himoya qilishda metodbirlashmaning barcha a'zolari ishtirok etishlari maqsadga muvofiq.

Eng namunali referatlar yig'ilib, yig'ma jild shakllantiriladi va maktab kutubxonasiga foydalanish uchun taqdim qilinadi.

O'qituvchilar o'rtasida «Eng yaxshi dars ishlanmasi», fan kechalari, qiziqarli bahs-munozarali tadbirlar va tematik albomlar tanlovlari o'tkazilishi maqsadga muvofiqdir. Viloyat, shahar va tumanlarda o'qituvchilar va o'quvchilarning ijodiy ishlaridan ko'rgazmalar tashkil etish ham fan oyligining samarali o'tkazilishiga ijobiy ta'sir qiladi. Maktab, tuman, viloyat va Respublika miqyosida eng yaxshi uslubiy birlashmalar, ilg'or o'qituvchi va metodistlarning ish tajribalari ommalashtiriladi.

Fan oyligining ochilishi

Fan oyligining ochilishida asosan tashkiliy masalalar, ya'ni, tarix va huquq fanlarining sinflar kesimida o'quvchilarning bilim samaradorligi ko'rsatkichlari tahliliy monitoringi jadvali tayyorlanadi. Oylik ish reja aks etgan devoriy gazeta chiqariladi, OAV orqali fan oyligi haqida ma'lumotlar berib boriladi, umumiy yig'ilishlar o'tkaziladi. Bunda oy davomida belgilangan tadbirlarni o'tkazish joylari va vaqti ma'lum qilinadi.

Fan oyligining ochilishi maktabda o'quvchilar bilan o'tkaziladigan katta yig'ilishda e'lon qilinib, o'tkaziladigan tadbirlar bilan tanishtiriladi.

Ochiq darslar

Ochiq darslar jadvali maktabning e'lonlar taxtasida qayd etiladi. Tarix va huquq darslarida o'ynash shu kunlarda o'tiladigan mavzular asosida ochiq darslar tashkil qilinadi. Darslar interaktiv usullarda tashkil etilsa va ilg'or pedagogik tajribalar amaliyotga joriy etilsa, maqsadga muvofiq bo'ladi.

Tarix fani bo'yicha o'tkazilishi tavsiya etiladigan ochiq darslar:

5-sinf, «Tarixdan hikoyalar»da 33—34-mavzu: «Yurtimiz allomalari».

6-sinf, «Tarix», 32-mavzu: «Yunon-fors urushlari».

7-sinf, «O'zbekiston tarixi», 17-mavzu: «Somoniy davlati».

8-sinf, «O'zbekiston tarixi», 18-mavzu: «Amirlikning davlat tizimi va ma'muriy boshqaruvi».

9-sinf, «O'zbekiston tarixi», 19-mavzu: «XIX asrning ikkinchi yarmi XX asr boshlarida Turkistonda ijtimoiy-iqtisodiy ahvol».

Davlat va huquq asoslari fani bo'yicha:

8-sinf, «O'zbekiston davlati va huquqi asoslari», 16-mavzu: «O'zbe-

kiston Respublikasining ijro etuvchi hokimiyat organlari».

9-sinf, «Konstitutsiyaviy huquq asoslari», 18-mavzu: «Jamoat birlashmalari va ommaviy axborot vositalari faoliyati».

Dunyo dinlari tarixi fani bo'yicha «Mustaqillik yillarida O'zbekistonda dinga va diniy tashkilotlarga munosabatning o'zgarishi» nomli mavzularda disputlar, seminar darslar o'tkazish o'quvchi-yoshlarning dinga bo'lgan munosabati, dunyoqarashi to'g'ri shakllanishiga yordam beradi.

O'qituvchilar tomonidan «Eng yaxshi dars ishlanmasi» yig'ma jildi tayyorlanishi mumkin. Kelajakda mazkur yig'ma jildlardan yosh o'qituvchilar, talabalar foydalanishlari uchun ushbu jildlar metodika markazlarida yoki metod kabinetlarida saqlanadi. Bunday yig'ma jildlardan namunaviy dars ishlanmalari bankini yaratish va viloyat miqyosida ommalashtirish tavsiya etiladi.

Sinfdan tashqari tadbirlar

Tarix va huquq fani oyligini tashkil qilishda maktabdan tashqari tadbirlar alohida ahamiyat kasb etadi. Yoshlar dunyoqarashida sog'lom e'tiqod, ishonch va milliy qadriyatlarining ustuvorligini ta'minlash, yot mafkuralarga qarshi immunitetni tarbiyalash maqsadida «14-yanvar — «Vatan himoyachilari kuni»ga bag'ishlab «O'z uyingni o'zing asra!», «Mahalla — qadriyatlar beshigi», «Ma'naviy tahdid va mafkuraviy immunitet» mavzusida davra suhbatlarini o'tkazish o'quvchilarda madaniy merosimiz, iftixorimiz bo'lgan tarixiy obidalarni asrash burchini, jamoat joylarida o'zini tuta bilish madaniyatini, Vatanga bo'lgan iftixor tuyg'usini, uni ko'z qorachig'idek asrash hissini shakllantiradi.

Fan oyligini yakunlash

Tarix va huquq fani oyligi yakuniga bag'ishlangan tadbir maktab, tuman, viloyat miqyosida o'qituvchilar jamoasining yoshlarga bilim berishdagi qilgan mehnatlarining sarhisobi, ulardagi ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish borasidagi ishlarni qadrlash va baholash maqsadida tashkil qilinadi.

Fan oyligi davomida bajarilgan ishlarining yakuniy natijalari haqida tuman, viloyat ta'lim markazlariga (3 kun muddatda), viloyat ta'lim markazlari, Respublika ta'lim markazi ijtimoiy fanlar bo'limi mutaxassislariga (1 hafta muddatda) hisobot topshiriladi.

Respublika Ta'lim markazi ijtimoiy fanlar bo'limi

ФОЛИБГА КИТОБЛАР ТУХҒА ЭТИЛДИ

Пойтахтимиздаги 202-мактабда «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарини ўрганиш турли маънавий тadbir ва кўрик-танловлар орқали амалга оширилмоқда.

Ана шундай тadbirlardan бири мактабнинг 4та 8-синф ўқувчилари ўртасида

Tadbir

да танлов тарзида ўтказилди. Дастлаб синфлар «Ma'rifat», «Ma'naviyat», «Madaniyat», «Mas'uliyat» гуруҳларига бўлиниб 5та шарт бўйича китобдан олган билимларини синовдан ўтказдилар. Танловнинг биринчи шартда гуруҳлар асарнинг ҳар бир боби бўйича ўз чиқишларини намойиш этдилар. Шунингдек, китоб мазмунини қамраб ол-

ган савол-жавоб шартда гуруҳлар бир-бирига савол бериб, келтирилган жавобнинг тўғрилигига қараб балл тўплашди.

Танловнинг эркин мавзу, ижодий ишлар ва сахна кўришлари каби шартларида ҳам ўқувчилар фаол иштирок этдилар.

Тadbir якунида мактаб раҳбари М.Саидикромова фаол иштирок этган гуруҳ ва намунали ўқувчиларга «Юксак маънавият — енгилмас куч» асари ва бошқа бадиий китоблар совға қилди.

Суратларда тadbirdan лавҳалар акс этган.

МУХБИРИМИЗ



Ота-оналар ва синф раҳбарлари ўқувчи билан мулоқотда баъзан турли мураккабликларга дуч келади. Бунда айниқса, ўсмирлик даври ўзига хос босқич. Дарҳақиқат, кўпчилик ўсмирлик палласи нима учун «ўтиш даври», «оғир давр», «инқироз даври» каби номлар билан аталишини, бу даврнинг оғир, кескин ва мураккаб кечиши сабабларини яхши билади. Лекин...

Воқеа. Муҳиддин — 8-синф ўқувчиси. Ўқишлари ҳам одоби ҳам ёмон эмас. Мактабга кечикмасдан келади, вақтида уйига боради. Бироқ 4, 5-соатда ўтиладиган баъзи дарсларга — кимё, биологияга киришни хоҳламайди. Синф раҳбари уни бир неча бор уришиб дарсга киритди, натижаси бўлмагач, онасини чақиртириб гаплашди. Барибир ўзгариш бўлмади. Биология дарсига кирмай, «Интернет-кафе»да ўтирганида ИИБ нозирлари томонидан рўйхатга олинди, профилактик назоратга тортилди. У «тавбасига таянмади», баттар ўжар бўлиб қолди. Фақат синфдоши Абдор уни тушунди. Синф раҳбарига ўртоғининг «ўзгариб қолиш» сабабларини изоҳлаб берди. Маълум бўлишича, Муҳиддин биология дарсида эҳтиётсизлик қилиб бир муляжни кўлидан тушириб юборган. Гарчи муляжга зарар етмаган бўлса-да, ўқитувчи уни ўқувчилар олдида «Лапашанг, хаёлинг жойидами ўзи? Ўғил бола ҳам шунақа бўшанг бўладими, ландовур!», деб уришган. Кейинги дарсда ҳам бу гап такрорланган.

Хўш, бу ўринда ким айбдор? Дарсга кирмаслиги сабабини суриштирмай танбеҳ берган синф

раҳбарими? Ўқувчилар орасида уни изза қилган ўқитувчими? Ота-она ёки ўқувчининг ўзими?

Шу ўринда Алишер Навоийнинг «Хайратул-аброр» достонидан келтирилган бир бобни эслайлик. Шоҳ ҳузурига таом олиб келаётган мулозим бехосдан, эҳтиётсизлиги туфайли қайноқ овқатни тўкиб юборади. Жазога тортилиши лозим бўлган мулозимни шоҳ кечириб юборади. Аёнлари бунинг сабабини сўрашганда, подшоҳ «Уни (яъни мулозимни) хижолатлилик ўлдириб бўлди, яна жазо не даркор?», деб жавоб беради.

Биз ҳам баъзан ўқувчини кечи-

уларни хафа қилиб қўйяпсан, шу ишинг тўғрими?», деб унга ақл ўргатмай, яхши суҳбатдош бўлиши керак ва шундай гапириш керакки, унга хатони тузатиш осондек туюлсин.

Ҳақиқатан ҳам, бола кўнгли биллурдек шаффоф, айни вақтда гулдек нозик. У билан дўстлардек муносабатда, ота ёки онадек маслаҳатчи, суҳбатдош бўлишимиз керак. Акс ҳолда журъатсиз, ўзига ишонолмайдиган ўқувчиларни кўпайтириб қўямиз.

Афсуски, барча синф раҳбарлари ҳам баъзан бу усулга амал қилмайдилар. Айрим таълим муасса-

БОЛА КЎНГЛИ ГУЛДЕК НОЗИК

риш уни обдон ўйлашга, ўз айбини ўзи тушуниб етишига олиб боришини унутмаслигимиз лозимми-кан?!

Бу ҳақда психолог Наргиза Тўламетова шундай дейди: Инсон кўнглига озор бермай таъсир этишининг бир неча усули бор. Шулардан бири ўқувчини ҳақоратламай, хафа қилмай, аввало, унинг асл хислатларини тан олиб, мақтовдан гап бошлаш керак. «Ўғлим ёки қизим, сен жуда тартибли, одобли ўқувчисан, намунали оиланинг фарзандисан, лекин бугунги ишинг шаънингга муносиб эмас. Ўртоқларинг интизомли, аъло ўқиши билан ота-онасига раҳмат эшиттираяпти, сен-чи, билмасдан, ўзинг истамаган ҳолда

салари синф мажлислари ёки эрталабки сафланишларида интизомга риоя қилмаган — дарсга кечиккан, синфдошлари билан уришган, «тартибсиз» ўқувчиларни «эскича» шу тақлид тартибга чақиритишга уриниб кўришади.

— Бу усул қаттиққўллик эмас, ўсмир ёшларнинг психологиясини яхши билмасликдир. Ахир, халқимизда «Урсанг эти, гапирсанг бети қотади», «Яхши сўз билан илон индан чиқар» каби нақллар бор-ку! Нега уларга риоя қилмаймиз, — дейди Учтепа туманидаги 106-мактаб ўқитувчиси, кўп йиллар давомида синф раҳбари Марғуба Исомиддинова. — Синф раҳбари моҳир психолог ҳам бўлиши керак. Ҳар

Siz nima deysiz?

бир кичик ютуғини айтиб мақтайман. Хатосини тўғрилаш қийин эмаслигига ишонтираман. Ён дафтаримга «Баҳо беришда адолатли ва мақтовда самимий бўлиш лозим» деб ёзиб қўйганман.

— Ўқувчи ва ўқитувчи ўртасида ўзига хос парда бўлгани маъқул, — деди 258-мактаб ўқитувчиси Рихси-хон Худоёрова. — Айрим ўқувчилар ота-онасидан гап эшитавериб, бети қотиб кетган. Бундай болага ширин сўзингиз таъсир этмайди. Синфда 30 нафар ўқувчи бўлса, уларга 30 хил муомала керак. Кимгадир бир оғиз ширин сўз етади, лекин тарбияси оғир ўқувчилар билан жиддий шуғулланиш, уларни лозим бўлса профилактик ҳисобга қўйган маъқул. Шундагина улар ота-онаси ёки ўқитувчидан ҳайиқиб туради. Профилактик ҳисобдан чиқарилгунча ўқувчи тўғарақларга жалб қилинади, ҳар бир хатти-ҳаракати назоратда бўлади. Агар ўқувчида ижобий томонга ўзгариш бўлса, у ҳисобдан чиқарилади. Бу ҳолат ўқувчида масъулият ҳиссини шакллантиради.

Сафимизда тажрибали синф раҳбарлари кўп. Улар ҳам юқоридаги фикрларга муносабат билдириб, ўз тажрибаларини ўртоқлашишса, фойдадан холи бўлмасди. Зеро, барчанинг мақсади ягона — эл-юртга нафи тегадиган, ўзбекона одоб, шарқона тарбия билан зийнатланган фарзандларимиз кўпаяверсин.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
Юнусобод туманидаги
274-мактаб ўқитувчиси



Qutlug' ostona

«ALIFBE» ДУНЁ ЭШИКЛАРИНИ ОЧДИ

Яқиндагина мактаб ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлмаган кичкинтойлар бугун алифбе китобини тамомлаб, дастлабки билимларга эга бўлдилар. Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 206-мактабнинг биринчи синф ўқувчилари ҳам аллақачон ҳарфлар билан танишиб, ёзишни ўрганиб олишди. Шу муносабат билан улар ўзларининг саводхонлик байрамини нишонладилар.

Моҳир педагог Наргиза Маматова раҳбарлик қилаётган 1-синф инглиз тилига ихтисослаштирилган бўлиб, ўқувчилар бир пайтнинг ўзидики икки тил — ўзбек ва инглиз тилларини пухта ўзлаштираётдилар. Тадбирда иқтидорли болажонлар ўзбек ва инглиз алифбосидаги ҳарфлар номидан шеър ва кўшиқлар айтиб, ўз маҳоратларини намойиш этишди. «Келажакда ким бўлсам экан?» мавзусидаги касблар пайрови эса ўқувчиларнинг дунёдаги касблар тўғрисида олган билимларидан далолат. Ота-оналар ҳам фарзандларининг иқтидори-ю, ўқитувчиларнинг меҳнатидан мамнун.

— Бугунги байрам нафақат фарзандларимиз, балки бизнинг ҳаётимизда ҳам ўзига хос кун бўлди, — дейди Амулло Каримов. — Ўғлимнинг бийрон тилда шеър айтиши, ҳақиқий ўзбек йигитларига хос рақсни ижро этишидан рости хурсанд бўлдим. Фарзандларинг учун оилавий байрам — йилда бир марта китоблар кунини нишонлашни одат тусига киритганмиз. Шу кун улар китоб дўконидан истаганча китоб олишлари мумкин. Қизимнинг ёнига, мана, ўғлим ҳам кўшилди, кувончининг чеки йўқ.

Ҳа, жажжи болакайларнинг қисқа муддатда муайян билимларга эга бўлиши, барча ҳарфлар билан танишиб, истаган китобларини мустақил ўқий олиши кишини кувонтиради. Фарзандларининг истагани инобатга олган ота-оналар улар учун байрам совғаси сифатида бир-биридан қизиқарли эртақ китоблар совға қилишди.

— Бир синфда таълим-тарбия олаётган ҳар бир ўқувчининг ўзига хос қирраси бўлади. Уни англай олиш ўқитув-

чининг маҳоратига боғлиқ. Болаларнинг кўзида илм олишга бўлган қизиқиш ва ҳайратни кўриб, кўпроқ излангингиз, билганларингизни улар билан баҳам кўргингиз келади. Саводга ўргатиш қийин, бироқ ўқувчиларимнинг бир ҳарфни ўрганиб, ўқий олгани катта бир байрамдай гап. Саводхонлик байрамига тайёрланиш асосида уларнинг билими яна бир қарра мустаҳкамланди, ўзларининг истеъдодини намоеън эта олишди. Устоз учун бундан ортиқ бахт бор эканми?! — дейди ҳаяжонини яшира олмай синф раҳбари Н.Маматова.

Даврада саф тортган ўттиз бир нафар ўғил-қиз бугун ўқиш ва ёзишни ўрганиб олди. Эртага улар мамлакатимизнинг довруғини кўкка кўтарадиган, элу юрт хизматида шай инсонлар бўлиб етишади. Зеро, ерга қадалган уруғнинг қандай мева бериши аввало, қилинган ниятга боғлиқ.

Башорат ОТАЖОНОВА,
«Ma'rifat» муҳбири
В.ГРАНКИН олган
суратлар.

ИЛҒОР ИННОВАЦИЯЛАР ОММАЛАШТИРИЛДИ

Кун кеча пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 109-умумтаълим мактабида «Бошлангич синфлар фан фестивали» бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар ХТББ ва туман ХТБ услубчилари ҳамда бошлангич синф ўқитувчилари иштирок этдилар.

Турли мактаблардан ташриф буюрган иқтидорли ўқувчиларнинг куй-кўшиқлари, рақслари ҳамда уларга илк бора ҳарфни танитган, илм нуруни сочган устоз-мураббийларнинг кадр-қимматини улғулаш руҳида намойиш этилган сахна кўринишлари семинар қатнашчиларига бир олам завқ ва сурур бахш этди.

Шундан сўнг тумандаги таълим муассасалари слайдлар воситасида ойлик давомида бажарган ишларини намойиш қилдилар. «Энг яхши дарс», «Энг фаол ўқитувчи», «Энг намунали синф», «Энг чиройли кўргазма» ҳамда «Энг намуна-

ли деворий газета» каби қатор номинациялар бўйича натижалар аниқланиб, голиблар фазорий ёрлик ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

— Ойлик давомида синфлар кесимида турли очик дарслар, учрашувлар, кичик фан олимпиадалари ва бошқа шу каби тадбирлар ўтказилди, — дейди 109-мактабнинг бош-

Tadbir лангич синф методбирлашмаси раиси

Гулнора Жамолова. — Бугунги тадбирдан кўзланган мақсад, бир ой мобайнида туманимиздаги ҳар бир мактабда амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш, илғор тажрибаларни кенг жорий этиш ҳамда йўл қўйилган хато-камчиликлардан тегишли хулосалар чиқаришдир.

Ғолиб БАХРОМОВ,
«Ma'rifat» муҳбири

Бурҳон РИЗОКУЛОВ
олган сурат.



DTS tarkibiy komponentlarini yaxlit tizimga keltirish, mavzularning asossiz ravishda takrorlanishini bartaraf etish, o'quv dasturlarining uzviylik va uzluksizligini ta'minlash hamda o'quv yuklamlarini o'quvchilarning yosh va psixofiziologik xususiyatlariga moslashtirish maqsadida DTS optimallashtirilgan edi. Unga ko'ra, 5-sinf geografiya faniga 2ta amaliy mashg'ulot kiritilgandi. Quyida taqvim mavzu rejadagi 28-dars "Yerning havo qobig'i - Atmosfera" (bo'limi) mavzulari bo'yicha 2-amaliy mashg'ulot ishlanmasi taqdim etiladi. U amaldagi darslikning "Xalqlar va eng yirik davlatlar" mavzusiga (30-dars 90-bet) ajratilgan soat hisobidan tashkil etiladi. Bunda amaliy mashg'ulot mavzulariga doir topshiriqlar aks etgan.

SHABADA QANDAY HOSIL BO'LADI?

28-dars. Yerning havo qobig'i - Atmosfera. 5-sinf.

2-amaliy mashg'ulot. Darsning maqsadi:

- a) ta'limiy: o'quvchilarning Yerning havo qobig'i - Atmosfera haqidagi bilimlarini mustahkamlash;
- b) tarbiyaviy: o'quvchilarning fanga qiziqishini oshirish, berilgan vazifani bajarishda mas'uliyat sezish ko'nikmalarini shakllantirish;
- d) rivojlantiruvchi: o'rganilgan mavzulardan asosiy tushunchalarni ajrata bilish, ularni amaliyotda qo'llay bilishga o'rgatish, mustaqil fikrlash doirasini kengaytirish hamda o'tilgan mavzular bo'yicha bilimlarini oshirish.

Sinab ko'ring

Darsning jihozi: darslik, xarita, lineyka. Darsni tashkil qilish:

- salomlashish;
- davomatni aniqlash;
- sinf jurnalinii to'ldirish;
- o'tilgan mavzuni so'rash;
- o'qituvchi amaliy mashg'ulotni bajarishga tayyorlanish va topshiriqni qanday bajarish kerakligi haqida ko'rsatma beradi.

1-topshiriq. Havoning kunlik o'rtacha haroratini quyidagi ma'lumotlarga asoslanib aniqlang va daftaringizga yozing: 12°S; -4°S; 18°S; 14°S.

Bu topshiriqni bajarish uchun berilgan barcha sonlarni qo'shamiz:

12° + (-4°) + 18° + 14° = 40°

Bir kunda to'rt marta o'Ichaganimiz uchun chiqqan yig'indini ko'rsatkichlar soniga bo'lamiz:

40° : 4 = 10°

Demak havoning kunlik o'rtacha harorati 10° ekan.

2-topshiriq. Yillik yog'in miqdori 200 mm., bug'unlanish 1000 mm.ga teng bo'lsa, namlik koeffitsientini aniqlang.

Namlik koeffitsientini aniqlash formulasiga asosan

$K = \frac{Y}{B} \cdot K = \frac{200}{1000} = 0,5$

3-topshiriq. Yanvar oyining o'rtacha harorati -4°S, iyul oyidagi o'rtacha harorat +18°S bo'lsa, yillik havo haroratining amplitudasi necha gradusga teng bo'ladi?

Yechish: +18 - (-4) = +18 + 4 = 22

Javob: 22

4-topshiriq. Briz shamoli qayerlarda esadi? Uning yo'nalishi bir kecha-kunduzda necha marta o'zgaradi? Nima uchun?

Briz shamoli ko'l va dengizlar yaqinida esadi. Uning yo'nalishi bir kecha-kunduzda ikki marta o'zgaradi. Quyosh nuri quruqlik va suv yuzasini bir xil isitmaydi. Suv sekin isiydi va asta soviydi. Quruqlik esa tez isib, tez soviydi. Kunduz kuni quruqlik ustidagi havo isib, kengayadi va bosim kamayadi, past bo'ladi. Ko'l va dengiz ustidagi havo esa salqin bo'ladi. Havo bosimi katta, yuqori bo'ladi. Natijada ko'l va dengiz ustidagi havo quruqlikka tomon harakatlanadi, ya'ni shamol bo'ladi. Kechasi-chi? Kechasi quruqlik tez soviganidan havo bosimi ortib, shamol quruqlikdan dengiz tomonga esadi. Shunday bir kecha-kunduzda o'z yo'nalishini

ikki marta o'zgartirib turadigan shamolga briz shamoli deyiladi. Briz fransuzcha brise - shabada degani.

5-topshiriq. Monblan cho'qqisi etagida (0 metr) atmosfera bosimi 765 mm. simob ustuniga teng bo'lsa, uning cho'qqisida atmosfera bosimi taxminan qanchaga teng bo'ladi?

Yechish: Har 100m. balandlikka ko'tarilganda bosim 10 mm.ga pasayadi.

4607:10=460,7

765-460,7=304,3

Monblan tog'i cho'qqisida atmosfera bosimi taxminan 304,3 mm. simob ustuniga teng bo'ladi?

Uyga vazifa: "Bulutlar" nomli raqamli diktant Bulut turlari.

To'p-to'p bulutlar 1 - Patsimon bulutlar 2 - Qat-qat bulutlar 3 -

Qaysi bulutlar: - quyoshli kunlarda juda balandda hosil bo'lib, ob-havo o'zgarib kelayotganligini bildiradi?

- isigan havo yer yuzidan yuqoriga tez ko'tarilganda hosil bo'ladi?

- bir xil kulrang tusda bo'lib, osmonni sidirg'a parda kabi qoplaydi va tumanga o'xshab ketadi?

- o'lkamiz osmonida bahor va yoz oylarida ko'plab paydo bo'ladi?

- ko'zni qamashtiradigan darajadagi oppoq yoki to'r shaklida bo'ladi?

Uyga vazifaning javobi: To'p-to'p bulutlar 1 - 4,2 Patsimon bulutlar 2 - 1,5 Qat-qat bulutlar 3 - 3

Sabohat BERDIYEVA, Mirobod tumanidagi 213-maktab o'qituvchisi

Masala. Bir son ikkinchisidan 20ta ko'p, ularning yig'indisi esa 70ga teng. Shu sonlarni toping.

Yosh matematika o'qituvchilaridan bu masalani yechib berishni so'rab ko'rsangiz, odatda ular masalani tenglama yordamida yechishadi. Siz ular bilan tenglama tuzmasdan yechib berishni so'rang. Boshlang'ich sinf o'qituvchisi masalani siz xohlaganday tenglamasiz yechishi mumkin.

Ammo matematikada 5-sinf va 6-sinflarning boshida masalalar tenglamalar tuzib yechilmaydi. Chunki mavzular ketma-ketligiga ko'ra harfiy ifodalarni soddalashtirish, qo'shiluvchi yoki ayiruvchi sifatida bir xil noma'lumlar qatnashadigan tenglamalarni yechish 6-sinfining oxirig'ida o'tiladi (yechimida faqat bitta noma'lum qatnashadigan masalalarni ushbu usulda yechish mumkin).

Instituti tugatib, endi pedagogik faoliyatini boshlayotgan

beramiz. Marhamat, 1-masalani yechishni boshlang (masalalar matnlarini ekranga chiqariladi).

1-masala. Bir son ikkinchisidan 20ta ko'p, ularning yig'indisi esa 70ga teng. Shu sonlarni toping.

O'qituvchi o'quvchilarning ishlari bilan tanishadi, tegishli xulosalar chiqarib, o'zi yoki topshiriqni to'g'ri bajargan biror o'quvchi doskada masala yechilishini tushuntiradi.

Masalani yechilishi: 1-usul. Bir son ikkinchisidan 20ta ko'p. Bu ikki sonni tenglashtirish uchun «ko'p» sonidan 20ni ayiramiz. Unda bu ikki teng sonlar yig'indisi 70-20=50ga har biri esa 50:2=25ga teng bo'ladi. Sonidan olgan 20ni qaytarib bersak, ikkinchi son hosil bo'ladi: 25+20=45. Demak, javob: 25 va 45. II-usul. Sonlardan kichigiga 20ni

1-son: 1 hissa, 2-son: 4 hissa, 3-son: ?

Ikkinchi son uchunchi sonidan 3 marta kichik bo'lsa, aksincha uchunchi son ikkinchi sonidan 3 marta katta bo'ladi, ya'ni:

3-son: 4 hissa 3=12 hissa bo'ladi. 1) 1+4+12=17 hissa (Uchala son yig'indisi 17 hissa).

2) 850:17=50 (1 hissaga mos keluvchi 1-son).

3) 50 x 4 = 200 (4 hissaga mos keluvchi 2-son).

4) 12 x 50=600 (12 hissaga mos keluvchi 3-son).

Javob: izlangan sonlar 50, 200 va 600.

O'qituvchi: — Endi mana bu masalani yeching:

4-masala. Muyassar va Ma'murada birgalikda 38ta, Ma'mura va Nigorada 42ta, Muyassar va Nigorada 44ta daftari bor. Qizlarning har birida nechta daftari bor?

Amaliy mashg'ulot

Yechimlarning boshlanishini doskaga yozaman. Sizlar esa bu ifodalarning nimani bildirishini yuqoridagidek izohlaysiz va masala yechilishining davomini o'z daftaringizga yozasiz, men tekshirib chiqaman:

1-usul. 1) 38+42+44=124 2-usul. 2) 44-42=2

O'qituvchi birozdandan keyin bolalarning daftarlari bilan kechiradi. To'g'ri bajargan o'quvchilarga o'z minnatdorligini bildirib, ularni ruhan qo'llab-quvvatlaydi va rag'batlantiradi. Shundan so'ng masalaning yechimini ko'rsatadi:

1-usul. 1) 38+42+44=124 2) 124:2=62 3) 62-38=24 4) 62-42=20 5) 62-44=18

2-usul. 1) 44-42=2

Yumshoq o'yinchoqlarni yasash ham bir san'at. Ularni o'xshatib yasash uchun o'quvchidan o'tkir zehni, sinchkovlik hamda e'tibor talab qilinadi. Bu jarayonda o'quvchining o'ziga xos iqtidor kashf etiladi. U o'yinchoqlarda borliq timsolini ko'radi, tanishadi va ular orqali hayotiy bilim hamda ko'nikmalari shakllanadi. Quyida e'tiboringizga havola qilinayotgan ishlanma umumta'lim maktablarining 7, 8, 9-sinflari va kasb-hunar kollejlarning mehnat ta'limi darslarida asqotadi.

YUMSHOQ O'YINCHOQLAR TIKISH SAN'ATI

o'quvchining estetik qarashlarini shakllantiradi

Dars mavzusi: Mushukcha tikish. Mashg'ulot maqsadi:

a) ta'limiy: o'quvchilarga mushukcha va uning tikilish texnologiyasi haqida ma'lumot berish.

b) tarbiyaviy: o'quvchilarni mehnatsevarlikka, tejamkorlikka, vaqtdan unumli foydalanishga, mehri, sabrli bo'lishga, tabiatni sevishga, go'zallikni his etishga va uni asrashga, ozoda bo'lishga o'rgatib borish.

d) rivojlantiruvchi: yanada ko'proq bilim egallashga bo'lgan qiziqishini o'stirish, erkin ijod qilib, o'z ustida ishlashga undash, nazariy olgan bilimlarini amalda qo'llay bilish, qobiliyatini rivojlantirish, mushukcha haqidagi tushunchalarini mustahkamlash.

Mashg'ulot turi: nazariy, amaliy. Mashg'ulot usuli: A)og'zaki: suhbat, hikoya, tushuntirish;

Mashg'ulot jihozi: tayyor tikilgan mushukcha ko'rinishi, mushukchani tikilish jarayoni ko'rsatgan ko'rgazma va qilingan tayyor andozasi, mushukcha hayoti jarayonidan tayyorlangan lavhali tasvirlar; multfilm, telefilm (videokassetta), mushukcha haqida she'r, hikoya, ertak, ashula kabilar yozib olingan audio kasseta va hokazo.

Mashg'ulotning o'tkazilish tartibi I. Tashkiliy qism.

A) salomlashish, mashg'ulot o'tkaziladigan xona tozaligiga e'tibor berish;

B) davomatni aniqlash;

D) o'quvchilarni mashg'ulotga hozirlash (o'quvchilar ikki guruhga bo'linadi va guruhlariga nom qo'yiladi).

II. Uyga berilgan vazifani nazorat qilish. O'quvchilar olib kelgan ish qurollari ko'zdan kechiriladi va ularni qayerlarda qo'llash nima sababdan kerak bo'lishi so'raladi.

III. Mashg'ulotning bayoni. Reja:

A) mushuklarning tabiiy hayot tarzi haqida so'zlab berish, rasmlar, ashula, she'r, hikoya, ertak, va video lavha kabildan foydalanish.

B) mushukcha andozasini tayyorlash qoidalari haqida yo'l-yo'riq ko'rsatish, tushunchalar berish. Mushukchalar mushuksimonlar oilasiga mansub jonivorlar hisoblanadi. Ko'pchilik mushuksimonlar hidni yaxshi sezmaydi, lekin juda yaxshi eshitadi. Ular o'ljasi nana joyda poylab tutib oladi. Mushuksimonlar oilasiga yo'lbars, qoplon, silovsin, ilvirs, xonaki mushuklar mansub.

Mushuk insonlar uchun foyda keltiradi. U yuni turli zararli hasharotlar va zarar keltiruvchi kemiruvchilardan asraydi.

Mushukcha tikish uchun turli rangdagi, asosan, qora, kulrang, jigarrang tugma, mo'ylovi uchun jilka ip, burun va ko'zning ichki qismi uchun esa

qora va oq rangdagi charmlı mato kerak bo'ladi. O'yinchoq andozasi vertikal va gorizontial yo'nalishi bir xil o'Ichamda chizilgan kvadrat katakchalar ichida hisoblab chiziladi va kesib olinadi. Andoza tikilayotgan buyumning sifatii va aniq chiqishini ta'minlaydi. Mushukcha andozasi 7 qismdan iborat.

1. Tanasi. 2. Qorin qismi. 3. Tovonlari. 4. Bosh qismi. 5. Peshonasi. 6. Quloqlari. 7. Dumi.

Andozaga quyidagi belgilar qo'yiladi: X — ko'rsatilgan joyda qaychida qirg'ım beriladi. =a,b,s — andoza qismlari faqat o'sha harflar ko'rsatilgan joyga o'rnatilishi kerakligini bildiradi. R — gazlamaning buklovda ekanligi ko'rsatiladi. « — choklari birlashtirilib tayyor holga keltirilgan o'yinchoq qismlariga paxta solish joyi.

Tayyor andoza qismlari bichilayotgan buyumning aniq va sifatii bo'linishini ta'minlaydi.

Mushukcha tikishda ishing tartibi: 1. Tana qorin qismiga, tovon bosh qismiga qo'yilib, yon choklari qo'shib tikiladi. 2. Tovoni oyoq osti choklariga birlashtirib tikiladi. 3. Quloq choklari alohida bosh va peshona choklarining belgilangan joyiga qo'yiladi va qo'shib tikiladi. 4. Peshonaning qo'lgan yon choklari boshning qo'lgan yon choklariga qo'shib tikiladi. 5. Dum o'rnatilib, tananing yuqori, qorin choklari bilan aylantirib tikiladi. 6. Boshning b'ny qismi qo'lgan choklari tanaga birlashtirilib tikiladi. 7. Paxta solinib ko'z, burun o'rnatiladi. IV. Ish boshlanishi.

Ikki bo'lingan guruhlar o'rtasida «Eng aqlli va chaqqon qiz», «Kim chaqqon?» deb nomlangan o'yinlar asosida mehnat qilishga o'rgatib borilsa, o'quvchilar yanada qiziqib ish bajaradi. Mashg'ulot o'tishda amaliy ish avval o'qituvchi tomonidan bajarib ko'rsatiladi.

V. Mashg'ulotni mustahkamlash. O'quvchilarga o'tilgan mavzu yuzasidan bilimini tekshiruvchi savollar berish. Masalan:

1. Andozadan nima maqsadda foydalaniladi? 2. Andozaga qanday belgilar qo'yiladi? 3. Mushukcha andozasi necha qismdan iborat va h.k.

VI. Ish joyini tartibga keltirish va mashg'ulotni xulosalash. O'quvchilar tomonidan berilgan savollarga javob qaytariladi, mavzu xulosalanadi. Topshiriqni yaxshi bajarib faol ishtirok etgan o'quvchilar ishlari namuna etib ko'rsatiladi va rag'batlantiriladi. Bu holat qo'lgan o'quvchilar ishi faollashishiga yordam beradi.

VII. Uyga vazifa berish. Uyga vazifa: Sinfda bajarilgan ishlarni davom ettirish, mushukcha tikish uchun tayyor andoza, qaychi, igna, angishvona, gazlama va unga mos ip, tugma, qora rangli charm mato olib kelish.

Aziza MURODOVA, Uchtepa hunarmandchilik kasb-hunar kolleji o'qituvchisi

MASHQLAR NUTQNI RIVOJLANTIRADI

Har qanday tilni amaliy jihatdan egallash uchun grammatik qurilishni mukammal bilish talab etiladi. Tilning grammatik qurilishi uning so'z boyligi bilan birga til materialini tashkil qiladi. Xorijiy tilni o'rgatayotgan o'qituvchining vazifasi o'quvchilar tomonidan ana shu grammatik hodisalarni egallashning samarali usullarini izlab topishdan iborat.

Grammatik materialning yasalishi, tuzilishini o'rgatish deduktiv va induktiv yo'l bilan amalga oshiriladi.

Induktiv yo'l bu matndagi til ma'lumotlarini kuzatish, ularni jonli nutqda qo'llash, misollarni qoida

sifatida umumlashtirib o'rgatishdir. Biron-bir ma'lumot qoida sifatida tushuntirilganda misollar bilan ifodalanadi va mashqlar yordamida ishlab chiqiladi.

Deduktiv yo'l esa yuqoridagi jarayonning aksini nazarda tutadi. Uning afzalliklari shundan iboratki, u kam vaqt talab qilib mashq ishlash imkoniyatini kengaytiradi. Ya'ni, oldin qoida berilib, so'ng misollar tuziladi.

Induktiv aniq ishlab chiqilgan tushuntirish yo'li hisoblanib, darsda o'quvchilarning ko'proq faol bo'lishiga yordam beradi. Shuningdek, o'quvchilarning qoidalarini yodlashda ularning diqqat,

kuzatuvchanlik, mantiqiy fikrlash, birinchi va ikkinchi darajali ahamiyatga ega narsalarni farqlash qobiliyatlarini takomillashtiradi.

Induktiv yo'lni qo'llash misollar berishni, matnlar tanlashni, izchil savollar tuzishni talab qiladi. Yangi material bilan tanishtirishda o'rganilayotgan grammatik hodisaning harakatini, o'quvchilarning lingvistik tajribaga ega yoki ega emasligini hisobga olish kerak. Masalan: ingliz tilidagi "Past Continuous" mavzusi o'quvchilar avval o'zlashtirgan "Present Continuous" mavzusi asosida tushuntirilishi mumkin.

Deduktiv yo'lda esa o'qituvchi tanishtirayotgan grammatik materialning tuzilishi, yasalishi bo'yicha qoidalar, ta'riflar aytadi, grammatik yo'nalish beradi, so'ng shu asosida o'quvchilarga misol, gap tuzdiriladi. Grammatik

malakalarni nutq faoliyatining turlari bilan bog'lash bosqichlariga alohida ahamiyat berish kerak.

Mashqlar nutq faoliyatini rivojlantirishda muvaffaqiyatni ta'minlaydigan bosh omil hisoblanadi. Xorijiy tilni o'rganayotgan o'quvchilarga nutq faoliyatini rivojlantirishga ko'maklashuvchi mashqlar — til mashqlari, shuningdek, nutq mashqlari va tabiiy nutq mashqlarini o'rgatish tavsiya qilinadi.

Hech qanday kommunikativlik belgilariga ega bo'lmagan mashqlar til mashqlari hisoblanadi.

Ilg'or tajriba

hodisani qo'llanishini tushuntirishda deduktiv yo'ldan ko'proq foydalaniladi.

Ingliz tili grammatikasi ustida ishlashda grammatik hodisani tushunish va malakani shakllantirish asosini yaratish,

malakalarni nutq faoliyatining turlari bilan bog'lash bosqichlariga alohida ahamiyat berish kerak.

Mashqlar nutq faoliyatini rivojlantirishda muvaffaqiyatni ta'minlaydigan bosh omil hisoblanadi. Xorijiy tilni o'rganayotgan o'quvchilarga nutq faoliyatini rivojlantirishga ko'maklashuvchi mashqlar — til mashqlari, shuningdek, nutq mashqlari va tabiiy nutq mashqlarini o'rgatish tavsiya qilinadi.

Hech qanday kommunikativlik belgilariga ega bo'lmagan mashqlar til mashqlari hisoblanadi.

Masalan, "Fe'llarni talab qilingan zamonda qo'llab, gaplarni ko'chirib yozing" yoki "Gaplarni so'roq shaklda aylantirib ko'chirib yozing" kabi.


Uo'quv jarayonida nutqiy tomonlarga o'rgatadigan mashqlar shartli mashqlardir. Masalan, "Rasmilarga qarab savollarga javob bering", "Ko'rsatilgan grammatik shaklni qo'llab, savollarga javob bering" kabi.

Tabiiy nutq mashqlari o'qitilishning maqsad va sharoitlari bilan asoslangan o'zaro ma'lumot almashishdan iborat. Bu mashq-

lar odatda nutq ko'nikmalarini rivojlantirish uchun qo'llaniladi. Masalan: «O'rganilgan grammatik materialni qo'llab, rasmdagi vaziyatni tasvirlab bering», «Matnning tinglang, voqeada ishtirok etgan insonlarning xatti-harakatini izohlab bering» kabi.

O'quvchilarning xorijiy tilni o'rganishga bo'lgan qiziqishlarini rivojlantirish yo'lida turli noan'anaviy mashg'ulotlar tashkili etish o'z samarasini berishi shubhasiz.

Mamlakat ALMATOVA, Toshkent bank kolleji xorijiy tillar o'qituvchisi



Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим қирғиз тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2011-2012 ўқув йилида фойдаланишга тавсия этилган дарслик ва ўқув қўлланмалар рўйхати

T/p	Дарслик ва ўқув қўлланма номи	Муаллифлар	Тавсия этилган йили	Таъминланиш ҳолати
1-синф				
1	Алифбе (Алиппе)	Б.Рисбекова ва б.	2011	беғул
2	Ёзув дафтари (Жазуу дептери)	С.Рисбаев ва б.	2011	беғул
3	Она тили (Эне тили)	Муаллифлар гуруҳи	2011	беғул
4	Ўқиш китоби (Оқуу китеби)	Муаллифлар гуруҳи	2011	беғул
5	Математика	М.Аҳмедов ва б.	2011	беғул
6	Математика дафтари	М.Жумаев ва б.	2011	беғул
7	Атрофимиздаги олам	А.Григорьянц	2011	беғул
8	Одобнома	Муаллифлар гуруҳи	2011	беғул
9	Тасвирий санъат	Р.Ҳасанов	2011	беғул
10	Муסיқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2011	беғул
11	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2011	беғул
12	Меҳнат таълими	Муаллифлар гуруҳи	2011	
13	Конституция алифбоси	О.Каримова	2008	кутубхона фонди
2-синф				
1	Ўзбек тили	Р.Толипова ва б.	2010	ижара
2	Она тили (Эне тили)	С.Рисбаев ва б.	2010	ижара
3	Ўқиш китоби (Оқуу китеби)	Г.Тухтабаев ва б.	2010	ижара
4	Русский язык	Р.Талипова ва б.	2010	ижара
5	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2010	ижара
6	Атрофимиздаги олам	П.Фуломов ва б.	2010	ижара
7	Одобнома	Қ.Абдуллаева ва б.	2010	ижара
8	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	2010	ижара
9	Муסיқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2010	ижара
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2010	ижара
11	Конституция алифбоси	О.Каримова	2007,2008	кутубхона фонди
3-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2010	ижара
2	Она тили (Эне тили)	С.Рисбаев ва б.	2010	ижара
3	Ўқиш китоби (Оқуу китеби)	А.Зулпихаров	2010	ижара
4	Русский язык	Р.Талипова ва б.	2010	ижара
5	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2010	ижара
6	Табиатшунослик	А.Баҳромов	2010	ижара
7	Одобнома	О.Ҳасанбоева ва б.	2010	ижара
8	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	2010	ижара
9	Муסיқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2010	ижара
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2010	ижара
11	Конституция алифбоси	О.Каримова	2007,2008	кутубхона фонди
4-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2011	ижара
2	Она тили (Эне тили)	Б.Умоталиева ва б.	2011	ижара
3	Ўқиш китоби (Оқуу китеби)	А.Токтомаматов ва б.	2011	ижара
4	Русский язык	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
5	Математика	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
6	Табиатшунослик	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
7	Одобнома	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
8	Муסיқа	О.Иброҳимов ва б.	2011	ижара
9	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2011	ижара
10	Меҳнат таълими	Муаллифлар гуруҳи	2011	
11	Тасвирий санъат	Муаллифлар гуруҳи	2011	
12	Конституция алифбоси	О.Каримова	2007,2008	кутубхона фонди
5-синф				
1	Ўзбек тили	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
2	Қирғиз тили (Қирғиз тили)	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
3	Адабиёт (Адабият)	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
4	Русский язык	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2011	ижара
6	Немис тили «Deutsch»	М.Қиёмова ва б.	2011	ижара
7	Француз тили "Bonjour la France"	А.Носиров ва б.	2011	ижара
8	Тарихдан ҳикоялар	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
9	Математика	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
10	Ботаника	Ў.Пратов ва б.	2011	ижара
11	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2008	ижара
12	География	П.Фуломов ва б.	2011	ижара
13	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2011	ижара
14	Меҳнат таълими	Муаллифлар гуруҳи	2011	
15	Тасвирий санъат	Муаллифлар гуруҳи	2011	
16	Муסיқа	Д.Каримова	2011	
17	Жисмоний тарбия (5-6)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2011	
18	Конституция оламига саёҳат	В.Костецкий ва б.	2008	кутубхона фонди
6-синф				
1	Ўзбек тили	Р.Толипова ва б.	2009	ижара
2	Қирғиз тили (Қирғиз тили)	С.Усеналиев ва б.	2009	ижара
3	Адабиёт (Адабият)	Б.Алимов ва б.	2009	ижара
4	Русский язык	Р.Талипова ва б.	2009	ижара
5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2009	ижара
6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2009	ижара
7	Француз тили	З.Абдушукурова ва б.	2009	ижара

8	Тарих	А.Саъдуллаев ва б.	2009	ижара
9	Математика	М.Мирзааҳмедов ва б.	2009	ижара
10	Физика	Н.Турдиев	2009	ижара
11	География	А. Соатов ва б.	2009	ижара
12	Ботаника	Ў.Пратов ва б.	2009	ижара
13	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2011	ижара
14	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2009	ижара
15	Конституция оламига саёҳат	В.Костецкий ва б.	2008	кутубхона фонди
16	Муסיқа	С.Бегматов ва б.	2008	кутубхона фонди
17	Жисмоний тарбия (5-6-с.)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2006	кутубхона фонди
7-синф				
1	Ўзбек тили	Р.Толипова ва б.	2009	ижара
2	Қирғиз тили (Қирғиз тили)	В.Мусаева ва б.	2009	ижара
3	Адабиёт (Адабият)	Б.Алимов ва б.	2009	ижара
4	Русский язык	Р.Талипова ва б.	2009	ижара
5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2009	ижара
6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2009	ижара
7	Француз тили	В.Бухин ва б.	2009	ижара
8	Ўзбекистон тарихи	А.Муҳаммаджонов	2009	ижара
9	Жаҳон тарихи	Т.Салимов ва б.	2009	ижара
10	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2009	ижара
11	Геометрия	А.Аъзамов ва б.	2009	ижара
12	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2009	ижара
13	Кимё	И.Асқаров ва б.	2009	ижара
14	Зоология	О.Мавлонов	2009	ижара
15	География	П.Фуломов ва б.	2009	ижара
16	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	М.Қаршибоев ва б.	2011	ижара
17	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2009	ижара
18	Конституция оламига саёҳат	В.Костецкий ва б.	2007	кутубхона фонди
19	Тасвирий санъат	А.Сулаймонов ва б.	2005	кутубхона фонди
20	Муסיқа	О.Иброҳимов ва б.	2006	кутубхона фонди
21	Жисмоний тарбия (7-8)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2005	кутубхона фонди
8-синф				
1	Ўзбек тили	Ҳ.Муҳиддинова ва б.	2010	ижара
2	Қирғиз тили (Қирғиз тили)	Б.Умиралиев ва б.	2010	ижара
3	Адабиёт (Адабият)	М.Парпиев ва б.	2010	ижара
4	Русский язык	Р.Талипова ва б.	2010	ижара
5	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	2010	ижара
6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2010	ижара
7	Француз тили «Le nouveau voyage en France»	З. Абдушукурова ва б.	2010	ижара
8	Ўзбекистон тарихи	Қ.Усмонов ва б.	2010	ижара
9	Жаҳон тарихи	У.Жўраев ва б.	2010	ижара
10	Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари	О.Каримова ва б.	2010	ижара
11	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	Р.Қўчқор ва б.	2011	ижара
12	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариқов ва б.	2010	ижара
13	Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
14	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2010	ижара
15	Геометрия	А.Раҳимқориев	2010	ижара
16	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2010	ижара
17	Кимё	И.Асқаров ва б.	2010	ижара
18	Одам ва унинг саломатлиги	Б.Аминов ва б.	2010	ижара
19	География	П.Мусаев ва б.	2010	ижара
20	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2010	ижара
21	Жисмоний тарбия (7-8-с.)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2005	кутубхона фонди
9-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев	2010	ижара
2	Қирғиз тили (Қирғиз тили)	Б.Умиралиев ва б.	2010	ижара
3	Адабиёт (Адабият)	М.Парпиев ва б.	2010	ижара
4	Русский язык	Ю.Азизханова ва б.	2010	ижара
5	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	2010	ижара
6	Немис тили «Deutsch»	М.Дадаходжаева ва б.	2010	ижара
7	Француз тили «D'un Etat a l'autre»	С.Раҳмонов ва б.	2010	ижара
8	Ўзбекистон тарихи	С.Тиллаев ва б.	2010	ижара
9	Жаҳон тарихи	М.Лафасов ва б.	2010	ижара
10	Конституциявий ҳуқуқ асослари	В.Костецкий ва б.	2010	ижара
11	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	О.Мусурмонова ва б.	2011	ижара
12	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариқов ва б.	2010	ижара
13	Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
14	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2010	ижара
15	Геометрия	Б.Ҳайдаров ва б.	2010	ижара
16	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2010	ижара
17	Кимё	И.Асқаров ва б.	2010	ижара
18	Биология. Цитология ва генетика асослари	А.Зикиряев ва б.	2010	ижара
19	Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси	А. Қаюмов ва б.	2010	ижара
20	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2010	ижара
21	Жисмоний тарбия	Т.Усмонхўжаев ва б.	2008	кутубхона фонди

Жамиятимизнинг ривож, халқимизнинг фаровонлигини юксалтириш сари яна бир залворли қадам бўлган «Баркамол авлод» йили яқунланапти. Шаксиз, бошланган эзгу ишлар давом этса-да, ана шу сўнгги ойимизнинг сўнгги кунлари фаолиятлар албатта, сарҳисоб этилиб, янги режалар тuzилади.

Навоий индустриал-иктисодиёт коллежида ҳудудий эҳтиёжлардан келиб чиқиб қурилиш, уй-жой, саноат, компьютер, хизмат кўрсатиш ва иқтисод каби ўндан ортиқ турли йўналишда кичик мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилган. Мустақкам моддий-техник базага эга замонавий ўқув асбоб-ускуналари билан жиҳозланган коллежда амалиёт машғулотларини талаб-

Sarhisob



мавзуларда очиқ маънавият соатлари ташкил этилмоқда.

2010 йил давомида коллеж ўқувчилари яратилган имкониятларга жавобан бир қатор ижобий ютуқларни қўлга киритдилар. Жумладан, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Мудофаа вазирликлари томонидан республика миқёсида «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича энг яхши таълим муассасаси» кўрик-танловида 1-ўрин бизнинг ўқув даргоҳимизга берилди. Ҳасан Қобилов «Келажак овози» республика истеъдодли ёшлар танловининг «Рационализаторлик таклифлар ва

ҲАР ЙИЛНИНГ ЎЗ ИЗИ, ЎЗ СЎРОФИ БОР...

лар даражасида ташкил этиш учун ҳам барча шароитлар яратилган. Коллеж ўқитувчиларининг Навоий давлат кончилиги институтини ва Навоий давлат педагогика институтини олимлари билан ҳамкорликда илмий изланишлар олиб бориб, турли мавзулардаги маъруза матнлари яратаётганлари ҳам ўқув самарадорлиги-

техник ишланмалар» номинациясида, Феруза Солиева эса Москвада ўтказилган «Кремль юлдузчалари» номи халқаро болалар ва ёшлар фестивалида муваффақиятли иштирок этди. Спортчи ёшлар эришган ютуқлар эса ундан-да салмоқли бўлди. Иномжон Бекназаров «Армрестлинг» бўйича республика беллашувларида биринчи ўринни забт этиб, олтин медал соҳиби бўлди. Мафтуна Касирова эса «Маҳалламиз паҳлавонлари» республика турни-

ри мусобақаларида биринчиликни қўлга киритди.

Бу каби қувончли воқеликлар жамоа аҳлининг янги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик» дея ном олган йилни янги-янги ижодий режалар билан қарши олишларига асос бўлади. Чунки бугун коллежда таҳсил олиб, «Транспортларда ташиш ва бошқаришни ташкил этиш», «Сув таъминоти ва канализация тизимларини ўрнатиш ва ишлатиш», «Тикувчилик ишлаб чиқариш» сингари кундалик ҳаётимизда ниҳоятда зурур бўлган касб-ҳунар эгаси бўлишга интилаётган ёшларимиз эртага, албатта, ўз йўналишларида тадбиркорликни ривожлантиришлари мумкин. Педагог ва муҳандис ходимлар йил давомидаги фаолиятларини сарҳисоб этар эканлар, келгуси сабоқлари давомида толиби илмларга бу борада ҳам муайян тушунча ва билимлар беришни ўз режаларига киритиб олишди.

Собира БОБОКУЛОВА,
коллеж услубчиси

Азиз ватандошлар!
Сизларни янги 2011 йил – «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» билан қизгин муборакбод этамиз! Яқунланаётган йил бизнинг жамоа учун республикадаги турдош корхоналар ичида биринчилардан бўлиб «Халқаро сифат сертификати ИСО-9001-2008» талабларига жавоб берадиган китоблар, дарсликлар ва бошқа босма маҳсулотларни чоп этиш борасида ўзига хос синов йили бўлади. Бизнинг шиор: «Халқимизга энг мазмундор, энг сифатли ва замонавий китоблар нашр этиш!».
Янги йилингиз қутлуғ бўлсин!

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси.



ни ошириш, муассаса кутубхонасини илмий, бадий ва электрон манбалар билан бойитишга хизмат қилмоқда. Устоз-мураббийларнинг малакасини ошириш, тажриба алмашишиб боришларига алоҳида эътибор қаратилган. Бунинг самараси ўлароқ коллеж ўқитувчиси Суннатилло Бобоноров вилоят ўрта махсус, касб ҳунар таълими бошқармаси томонидан ўтказилган «Йилнинг энг яхши педагоги» танловида фахрли 1-ўринни эгаллади.

Билим даргоҳида иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларга чуқур билим бериш баробарида маънавияти юксак ёшлар этиб тарбиялаш масаласи долзарб вазифалар қаторига кўтарилган. Юздан ортиқ йигит-қизларни атрофига жамлаган «Тафаккур» интеллектуал клуби томонидан олиб борилаётган ишлар айниқса диққатга сазовордир. Шунингдек, гуруҳ раҳбарлари томонидан йил давомида «Энг буюк жасорат», «Соғлом турмуш тарзи нима?», «Масъулият ҳисси» сингари бир қатор

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тасарруфидаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети 2011 йилга қуйидаги мутахассисликлар бўйича стажер-тадқиқотчи-изланувчилар институтига **ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

08.00.09	Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар	–	3та ўрин
08.00.11	Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти	–	2та ўрин
12.00.10	Халқаро ҳуқуқ	–	2та ўрин
23.00.04	Халқаро тизимлар ва жаҳон тараққиётининг сиёсий муаммолари	–	2та ўрин


Ҳужжатлар 2011 йил 3 январгача қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади:
Тошкент шаҳри,
Мустақиллик шоҳ кўчаси-54,
«А» бино, 8-хона, ЖИДУ илмий бўлими.
Телефон: 267-07-07.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети стажер-тадқиқотчи-изланувчилар институтига кириш учун керакли ҳужжатлар рўйхати:

- ✓ *ректор номига ариза;*
- ✓ *иш жойидан тавсифнома (бошқа ташкилотлардан келган шахслар учун);*
- ✓ *шахсий варақа ва таржимаи ҳол (ходимлар бўлими нозирининг имзоси ва бўлим муҳри билан тасдиқланган ҳолда);*
- ✓ *нашр қилинган илмий ишлар, ихтиролар ва илмий-тадқиқот ишлари ҳақида ҳисобот (№ 3.3-шакл бўйича, имзолар ва ходимлар бўлими муҳри билан), нашр этилган ишлари бўлмаган шахслар танланган ихтисослик бўйича илмий реферат топширадилар;*
- ✓ *нашр қилинган илмий ишлар, ихтиролар ва илмий-тадқиқот ишларининг ксеронусхалари (№ 3.3-шакл бўйича);*
- ✓ *нашр қилинган илмий ишлар, ихтиролар ва илмий-тадқиқот ишларининг PDF форматдаги электрон нусхалари (№ 3.3-шакл бўйича);*
- ✓ *стажер-тадқиқотчи-изланувчилар институтига кириш учун суҳбат натижасига кўра илмий раҳбар тавсифномаси;*
- ✓ *рефератга илмий раҳбарнинг тақризи;*
- ✓ *“аслига тўғри” ёзуви ва муҳри билан тасдиқланган*
- ✓ *меҳнат дафтарчасидан нусха;*
- ✓ *тиббий маълумотнома (086 шаклда);*
- ✓ *фуқаролик паспорти нусхаси, истиқомат қиладиган жойидан рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги муҳр билан (паспортнинг асли шахсан кўрсатилади);*
- ✓ *3x4 ҳажмдаги 4 дона фотосурат;*
- ✓ *магистр даражаси ёки олий маълумот тўғрисидаги дипломдан нусха;*
- ✓ *ҳарбий билетнинг нусхаси.*

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Бугун иқлим ўзгаришлари глобал миқёсдаги энг катта муаммолардан эканини дунё ҳамжамияти тан олмақда. Шу боис кенг жамоатчилик эътиборини экологик муаммоларга қаратиш ва жаҳон аҳолиси кўмагида иқлим билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш қатор амалий саъй-ҳаракатларни талаб этади. Яқинда Мексиканинг Канкун шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг иқлим ўзгаришларига бағишланган саммитда шу масалалар атрофида муҳокама этилди.



Икки ҳафта давом этган саммитда 193 давлат делегациялари иштирок этиб, унда 2012 йили ўз кучини йўқотадиган Киото протоколи (ҳужжат 1997 йилда қабул қилинган) ўрнини тўлақонли тўлдирадиган


янги Канкун лойиҳалари кўриб чиқилди. Шу билан бирга, 2009 йили декабрда Даниянинг Копенгаген шаҳрида ўтказилган аввалги саммит жараёнидаги музокаралар ҳам кенг таҳлил қилинди.

БМТнинг иқлим ўзгаришлари масалалари бўйича масъул котиби Крис Хахне «Гардиан» газетасига берган интервьюсида саммитнинг асосий мақсадларига тўхталди. Мутахассиснинг сўзларига кўра, муҳокамаларда жаҳон иқлими ўзгаришига сабаб бўлаётган омилларни ўрганиш, уларни имкон қадар тезкор суръатда бартараф этиш, бу борада амалда бўлган қонун жирасини таъминлаш, экологик муаммоларни бартараф этишга қаратилган лойиҳалар учун моддий-молиявий ёрдам фонди базасини ташкил этиш масалалари кўрилди.

ТИШ ПАСТАСИГА ҲОЖАТ ЙУҚ

Канада университети профессори Саскачевана Кунио Комияма янгича тиш чўткасини ихтиро қилди. Унинг бошқаларидан фарқи шуки, тиш ювиш пайтида пастага эҳтиёж сезилмайди, дейилади «Физорг» манбасида.

«Соладей-ЖЗХ» номини олган ускунанинг бандига қуёшдан қувват оладиган қоплама жойлаштирилган бўлиб, у орқали чўтка учидеги электронлар ҳаракатга тушади. Тиш ювиш пайтида эса инсон оғиз бўшлигининг шиллик қатламидаги зарралар ҳаракати туфайли кимёвий реакция кузатилиб, натижада бактериялар нобуд бўлади.



Кўёш батареяси ёрдамида ишлайдиган янги тиш чўткасини кенг ишлаб чиқариш билан Япониянинг «Шикен» («Shiken») компанияси шуғулланиши ҳам маълум қилинди. Хабар берилишича, янги қурилма сотувга чиқарилишидан олдин у 120 нафар кўнгиллилар томонидан синаб кўрилиши режалаштирилмоқда.

ЯНГИ ФАБРИКА ҚУРИЛМОҚДА

Япониянинг «Никкей» газетаси хабар беришича, келгуси йилда «Тошиба» корпорацияси кичик ҳажмдаги суяқ кристалли экран (дисплей)лар ишлаб чиқариш учун янги фабрика очишни режалаштиряпти. Япониянинг Исикава префектурасида барпо этилиши кўзда тутилган мазкур ишлаб чиқариш корхонаси қурилиши учун ажратилган инвестициялар ҳажми салкам 1,2 миллиард долларни ташкил этади.



Маълумотларга қараганда, қурилиш учун сарфланадиган маблағнинг бир қисми «Эппл» компанияси томонидан берилади. Негаки, келгусида бу ерда ишлаб чиқариладиган экранлар янги турдаги айфонлар учун қўлланиши мўлжалланган экан.

Шу билан бирга таъкидланишича, дисплейлар тиниқлик борасида юқори сифатли бўлиб, улар паст ҳароратли полисиликон технологиялари асосида тайёрланади. Аслида «Тошиба» компанияси томонидан ҳозирги кунда ҳам ойига 8,5 миллиондан ортиқ ана шундай экранлар ишлаб чиқарилади. Лекин янги корхона ишга туширилиши билан уларнинг ишлаб чиқариш ҳажми камида 2 баробарга ошиши кутилмоқда.

Компания расмий вакилларининг маълум қилишича, фабриканинг тантанали очилиши келаётган йилнинг биринчи чорагида кутилаётган бўлишига қарамасдан, маҳсулотларни кенг ишлаб чиқариш 2011 йилнинг иккинчи ярмида йўлга қўйилади.

Аброр УБАЙДУЛЛАЕВ,
Фарҳод ЭГАМКУЛОВ,
Мафтуна МАЪКУЛБЕКОВА
тайёрладилар.



**СИНГАН СУЯКЛАР
НАНОМУОПАЖАСИ**

Браун университети (АҚШ) профессори Томас Уэбстер томонидан синган суякларни даволашнинг ноодатий усули таклиф этилди. Олим томонидан ишлаб чиқилган модда жароҳатланган бўғимга юборилади

ва унинг тикланишига туртки бўлади. Аҳамиятлиси, мазкур наноматериал туфайли эндиликда синган суяклар ўрнига қўлланилган металл конструкция ва протезларга эҳтиёж қолмайди, дейилади «Компьюлента» манбасида.

Янги ишлаб чиқилган модда таркибида ДНКга ўхшаш нуклеин кислоталар бор. Дори воситасининг ҳар бир молекуласи уни бошқа зарралар билан боғлайдиган жуфт ковалент боғламларга эга экан. Модданинг кимёвий таркиби устида иш олиб борган Альберта университети (Канада) олими Хишам Феннири унда инсон организми учун ёт элементлар йўқлигини таъкидлади. Маълум бўлишича, янги турдаги наноматериалда одам танасида мавжуд бўлган углерод, азот ва кислород бор.




— Организмга тушгач, модда қаттиқ ҳолатга келади (бу жараён инсон танаси ҳароратида юз беради), — деди ихтиро муаллифлари. — Сўнгра суяк тўқимасига ўхшаш найсимон тузилишга эга бўлади. Жараёнда жароҳатланган жойга антибиотик, шамоллашга қарши ва ўсишга кўмаклашувчи воситаларни юбориш ҳам мумкин. Мустаҳкамлиги ва бошқа механик хусусиятларига кўра модда суяқдан фарқланмайди.

Олимларнинг таъкидлашича, улар таянч-ҳаракат аппарати жароҳатлари ҳамда касалликларини даволаш технологияларини ишлаб чиқарувчи «Аудах Медикэл» («Audax Medical») компанияси билан шартнома тузишган. Унга кўра, яқин орада тиббий тажрибалардан ўтиши кутилаётган инновация натижалари ижобий бўлса, 2013 йилдан у «Арсис» номи билан кенг ишлаб чиқарила бошлайди.

Янги ишланма лейиҳаси учун 1 миллион долларга тенг сармоя жалб қилинган, кейинчалик ишлаб чиқилиши кўзда тутилаётган даво воситасининг 1 донаси 1—1,5 минг доллар атрофида баҳолашни кутилмоқда. Бу эса ҳозир қўлланилаётган муолажаларга нисбатан анча арзон дегани ҳамдир.

ЭНГ КИЧИК БАТАРЕЯЛАР

АҚШнинг «Сандиа» миллий лабораториясида дунёда энг «митти» қувват манбаи — батареянинг синов намунаси яратилди. Унинг таркибидаги анод инсон соч толасидан етти минг марта кичик — бир нанотола қалинлигида, деб ёзади «НьюсВайс» манбаси.



Мазкур турдаги анод хусусиятларини батафсил ўрганиш учун литий асосида ишланган қувват манбаи нурланувчи электрон микроскопга жойлаштирилди. Айни кунда Нанотехнологиялар комплекси марказидаги мазкур асбоб ёрдамида батареянинг устун жиҳатлари аниқланмоқда.

Мутахассислар гуруҳи раҳбари Цзанюй Хуан сўзларига кўра, бу тажриба батареяларнинг қувват олиши ва уни йўқотиши жараёнларини чуқурроқ ўрганиш мақсадида ўтказилди. Бунда қувват манбаларидаги жараёнлар уларнинг асл ва бир атом катталиги ҳолатида қандай кечишига ҳам эътибор қаратилди. Олимнинг айтишича, бир атом катталигидаги батареяларнинг фаолияти қандай бўлиши улар учун қизиқ туюлган, негаки бу улкан амалий аҳамиятга эга. Аниқроғи, наносим асосида яратилган ион-литийли қувват манбалари энергиянинг қуввати ва сизимини ошириш борасида катта имкониятлар яратар экан. Демак, бундай батареяларнинг ишлаши билан боғлиқ хусусиятларни тадқиқ этиш электромобиль, ноутбук, мобил телефонлар каби техника воситаларининг янги авлодини яратишга туртки бўлади.

Профессор Цзанюй Хуаннинг таъкидлашича, тадқиқотнинг ўзига хослигига яна бир сабаб, ҳозирда анод шаклидаги наноматериаллар яқка ҳолда эмас, балки тўплам бўлиб кенг қўлланилмоқда.

— Янги турдаги анод қалай оксиддан тайёрланиб, унинг диаметри 100 нанометр, узунлиги эса 10 микрометрга тенг, — деди тадқиқотчи. — Тажрибада қалай асосидаги нанотола қувват олиш пайтида деярли 2 баробарга узайиши кузатилди. Мазкур жиҳат қисқа туташувнинг олдини олади ва батареянинг ишлаш муддатини узайтиради.

Аҳамиятлиси, шу пайтгача ҳеч ким бир атом қалинлигидаги нанотоланинг қувват олиши ва уни йўқотиши ҳодисаларини кузатишнинг уддасидан чиқмаган эди. Шу билан бирга, профессор Цзанюй Хуан янги нанотолани яратишда қалай оксиддан фойдаланган бўлса-да, бунинг учун бошқа материалларни ҳам худди шундай кенг қўллаш мумкин эканини таъкидлади.

Н.РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

Юнусобод туманидаги 274-мактаб раҳбарияти ва педагогик жамоаси бошланғич синф ўқитувчиси Дилобар Ходжаевага опаси, мазкур мактаб ўқитувчиси
Дилором ТОЖИБОЕВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

**НАВОИЙ ДАВЛАТ
КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ**



Янги йилингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

2011 — «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»да

ушбу соҳада меҳнат қилаётган барча

фидойиларга улкан зафарлар тилаймиз.

Чунки уларнинг самарали фаолияти ва эришган ютуқлари мамлакатимизни ободонлаштиришда,

халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришда

муҳим аҳамиятга эга.



Янги йил барчага бахт ва омад келтирсин!



“МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ” aksiyadorlik kompaniyasi

Муҳтарам юрtdoшлар!
Ўзбекистон матбуотининг азиз фидойилари!

Янги 2011 йил

барчангизга муборак бўлсин!

Сизларга оилавий бахт,
мустаҳкам соғлик, Ватан
равнақи йўлидаги
меҳнатларингизда улкан
зафарлар тилаймиз.


*Янги йилда ҳам
мамлакатимизда чоп
этилаётган оммавий
ахборот нашрлари
доимий ҳамроҳингиз
бўлсин.*



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАҚТЛИ МАТБУОТ НАШРЛАРИГА ОБУНА БЎЛИНИ!

БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ

ректорати,
профессор-ўқитувчилари
ва институт жамоаси
барча юрtdoшларимизни
Янги 2011 йил билан
самимий қутлаб, сизлар-
та сиҳат-саломатлик,
фаровон ҳаёт ва таъ-
лим-тарбия соҳа-
сида юқори дара-
жадаги ютуқларга
эришишингизни
тилаб қолади!





«АГРОБАНК»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

**ўз акциядорлари, мижозлари,
барча ҳамюртларимизни**

кириб келаётган

Янги 2011 йил


**байрами билан
сидқидилдан табриклайди!**

**Янги йилда барчангизга
сиҳат-саломатлик,
тинчлик ва улкан
муваффақиятлар
тилайди!**

Сизларга куйидаги

банк хизмат турларини таклиф этамиз:

- ❄ **Visa Card — дунё бўйлаб молиявий эркинлик!**
- ❄ **Пул ўтказмалари — тез, оддий ва ишончли!**
- ❄ **Юридик шахслар учун юқори фоизли депозит сертификатлар!**
- ❄ **Депозит катакчалар — қимматли бойликларингизнинг кафолатли сақланиши!**
- ❄ **Пластик карточка — замонавий ва ишончли тўлов воситаси!**
- ❄ **Пул омонатлари — даромадингизни кўпайтиришнинг ишончли усули!**



Ma'rifat

ТА'СИС ЕТУВЧИЛАР:

*Ўзбекистон Халқ та'лими
вазирлиги, Ўзбекистон Олий
ва о'рта maxsus та'лим
вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим ва фан ходимлари
kasaba uyushmasi
Markaziy Kengashi.*

Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari:
Bahodir JOVLIYEV.

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-
NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV,
Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib),
Mahmuda MURZAYEVA, Husan
NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari),
Abdusamat RAHIMOV (bosh muharrir),
Ulug'bek TOSHKENBOYEV, Nurlan
USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari,
"Учитель Узбекистана"), Aleksey
CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Уз-
бекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
Ўзбекистон Matbuot
va axborot agentligida
№ 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

ИНДЕКС: 149, 150. G-1122.
Tiraji 26533.

Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:
Bashorat OTAJONOVA.

Navbatchi:
Sherali NAMOZOV.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat
ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan
materiallar muallifga qaytarilmaydi.

belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta
va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan,
oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi
— 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti
yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan
tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat,
xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58,
reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxonaning manzili: «Buyuk Turon»
ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish
vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.00
93A myun — 21.45